



МАҲМУДХҶА БЕҲБУДИЙ
1875-1919

Биз ўз қисматимизни биламиз.... агар бизнинг ҳаётимиз хуррият ва халқнинг бахт-саодати учун қурбонлик сифатида керак бўлса, биз ўлимни ҳам хурсандчилик билан кутиб оламиз...

Мумкин қадар кўпроқ яхши мактаблар очиш, шунингдек маориф ва халқ саодатини таъминлаш соҳасида тинмай ишлаш бизга энг яхши ҳайкал бўлади.

*Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг
қатл олдидан ёзилган
васиятномасидан.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси

Д.А.Алимова, Д.А.Рашидова

Маҳмудхўжа Беҳбудий
ва унинг тарихий
тафаккури



«Академия» нашриёти

Тошкент - 1999

Масъул мухаррир: филология фанлари доктори
профессор Б.Қосимов.
Такризчилар: филология фанлари доктори
профессор Н.Каримов,
тарих фанлари доктори
С.Аъзамхўжаев.

Рисола Туркистонда жадидчилик ҳаракати сарчашмасида турган, 1917 йилга келиб мамлакат миллий мустақиллиги учун сиёсий ҳаракат раҳбарига айланган, адабиётшунос, муаррих, маданият арбоби, XX асрнинг буюк тараққийпарвари Маҳмудхўжа Бехбудийга бағишланган. Рисолада М.Бехбудий ҳаёти ва фаолияти ҳақида қисқача биографик маълумотлар келтирилган бўлиб, асосий эътибор унинг тарихий тафаккурининг шаклланишига қаратилган ва тарих, география, сиёсатшунослик соҳасидаги асарлари таҳлил қилинган. Бехбудийнинг февраль революцияси ва октябрь тўнтариши оралигидаги сиёсий фаолияти, ҳамда унинг Туркистоннинг сиёсий ва ижтимоий тузилиши келажаги ҳақидаги тасаввурлари кўриб чиқилган.

Рисола республика талаба ва ўқитувчилари, шунингдек, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

© Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият
қурилиши академияси
Тошкент-1999

*Мозий - истиқболнинг тарозисидир.
Маҳмудхўжа Бехбудий.*

Маҳмудхўжа Бехбудий ҳақида ёзиш ниҳоятда мураккаб. Чунки, бу зоти шарифнинг ҳаёти XX аср тарихининг кескин бурилишлари ва қалтис ҳодисалари билан боғлиқ. XIX аср ва XX аср бошларида пайдо бўлган янгича дунёқарашлар, айниқса, жадид таълимоти Бехбудий ҳаётида ўзига хос тарзда акс этди. Унинг дунёқараши ўз даврида мавжуд фикр-ғоя ва таълимотлар орасидан шарқий фалсафага мос келадиган, лекин Европа фалсафасининг қимматли томонларини қамраб олган ҳолда шаклланди. У жадид эди, шу дунёқарашни бойитди ва тинмай уни жамиятга татбиқ этиш йўлини излади.

Бехбудий ҳақида ёзиш шунинг учун ҳам қийин ва мураккабки, у адабиёт ва маърифат оламидагина эмас, бутун Шарқ тафаккурий-фалсафий тараққиётида ҳам улкан мавқега эга. Бундан 70 йил муқаддам - 1926 йили шарқшунос Лазиз Азиззода Бехбудий тўғрисида жуда ўринли ёзган эди: «Агар Ўзбекистонда Навоий ва Улуғбекдан бошқа учинчи бир илм ва маданият арбобига ҳайкал қўйиладиган бўлса, шубҳасиз бу Бехбудийнинг ҳайкали бўлгусидир».¹ Лазиз Азиззода ўз сўзлари билан Маҳмудхўжа Бехбудийни, шак-шубҳасиз, Шарқнинг буюк мутафаккирлари қаторига қўяди. Бехбудий ҳазратлари улар билан бир сафда бўлишга тўла ҳақли. Зотан бу сиймонинг она-Ватан келажаги ҳақидаги орзу-ниятлари ва дунёқараши бугунги давлатимиз миллий истиқлол мафқураси билан ҳамоҳанг.

Бор-йўғи 45 йилгина умр кўриб, кўп жабҳаларда ўз иқтидорини ёрқин намоён қила олган Бехбудийнинг дунёқараши вужудга келиб, ривож топишида қандай ҳаётий омиллар қай даражада таъсир этди?

Кейинги йилларда Бехбудий ҳақида кўплаб илмий ва оммабоп мақолалар нашр этилганига қарамай, ҳозирги кунга қадар унинг тўла ва мукаммал таржимаи холи бўйича, афсуски, жиддий талқиқотларга эга эмасмиз. 1922 йили «Маҳмудхўжа Бехбудийнинг вафот этганига 4 йил бўлишига қарамай,

¹ Азиззода Л. Бехбудий // Маориф ва ўқитувчи. 1926. №2.

унинг тўла таржимаи ҳоли ханузгача ёзилмади» - деб битган эди унинг дўсти Ҳожи Муин.¹ У Бехбудийнинг қариндош-уруғлари берган гувоҳликлари ва ўзи билганлари асосида унинг таржимаи холини қисман ёритди. Ушбу мақола ҳозирга қадар ҳам тадқиқотчилар ишончли ҳужжат сифатида суяна-диган ягона манба бўлиб қолмоқда.²

Тадқиқотчиларнинг кўпчилиги Маҳмудхўжа Бехбудийнинг камбағал оилада туғилиб ўсганлигини уқтиришади. Бизнингча, бу унчалик тўғри эмас. Мантиқан олиб қараганда, таълимга эга бўлиш, китоблар сотиб олиш, кутубхона билан қироатхона ташкил этиш, нашриёт очиб, нашр ишларини йўлга қўйиш, чет элларда Туркистондан бориб ўқиётган талабаларга моддий ёрдам бериб туриш ва шунга ўхшаш маблағ талаб қиладиган ишлар учун Маҳмудхўжа Бехбудийнинг сармояси етарли бўлган ва буюк маърифатпарвар ундан оқилона фойдалана билган. 1913 йилдан бошлаб муҳаррирлик ишига асосий вақтини бағишлаган Маҳмудхўжа Бехбудий Самарқандга яқин қишлоқда гоҳ-гоҳида муфтийлик вазифасини ўтаб ҳам келган, аммо бу иши учун оладиган ақчаси юқоридаги чиқимларни қоплашга етмас эди, албатта. Этнограф Г.Андреев билан қилган суҳбатида у куюниб: «Журнал нашр қилиш ҳозирча моддий жиҳатдан зарар келтирмоқда», - деб айтган.³ Лекин муҳаррирлик вазифасидан олдин М.Бехбудий Самарқандда муфтийлик лавозимини ўтаган ва унинг шаҳар аҳли орасида маълум ва машҳур бўлгани учун ҳам бу лавозим унга катта даромад келтирганига шубҳа йўқ. Бу вақтда у ўз маблағига янги усули жадид мактабини очади ва бу ерда ишлаш учун Ражаб Амин қишлоғидан Абдуқодир Шакурийни ўзининг уйига кўчириб келтиради.⁴ Ш.Очиловнинг ёзишича, Бехбудийнинг отаси Бехбудхўжа муфтийлик вазифасида бўлган—бу хизмат учун ўша даврларда яхшигина ҳақ тўланарди. Бехбудийнинг отаси ўз даврининг фикҳ соҳаси бўйича йирик

¹ Кўчирмаларда келган киши исмлари ва асарлари номларини биз жорий ёзувга кўчирдик. - Муаллифлар.

² Ҳожи Муин. Маҳмудхўжа Бехбудий // Учқун. 1923. №1.

³ Андреев Г. Самаркандский журнал «Ойна» и его редактор издатель Махмуд-ходжи Бегбуди // Туркестанские ведомости. 1915. 17 сентябрь.

⁴ Бехбудий М. Самарқанд мактаби ҳақида // Туркистон вилоятининг газети. 1908. 30 январь.

мутахассиси бўлган ва ислом ҳуқуқшунослиги масалаларига оид бир қатор асарларнинг муаллифи сифатида ҳам танилган эди. Ёш тадкикотчи Н.Х.Авазовнинг таъкидлашича, М.Бехбудий ота мерос касб эгаси, яъни Куръони каримни ёд билган кори бўлган. Унинг буvasи Солиххўжа имомлик қилиб рўзгор тебратган¹, Махмудхўжанинг оилада ягона ўғил бўлганини ҳисобга олсак, у ҳолда унга яхшигина мерос ҳам қолган бўлса ажаб эмас. Бу сўзларнинг тасдиғи сифатида Бехбудийлар оиласининг Жомбойда вақф мулк эгаси ва Бахши тепада каттагина кўркам боғ ерларининг хўжайини бўлганлигини айтишимиз кифоя (Надим Бехбудийнинг хотираларидан).² Шундай қилиб, Бехбудхўжа бадавлат киши эди.

Махмудхўжалар оиласи ниҳоятда маърифатли эди. Унинг икки синглиси ҳам яхши таълим олган. Улар Куръон ва ҳадислар билан яхши таниш бўлган. Катта синглиси ҳатто, «қори-бегим» унвонига эга эди.³ Надим Бехбудийнинг гувоҳлик беришича, уларнинг келиб чиқиши машҳур Аҳмад Яссавийга бориб тақалади.⁴

Бехбудий аждодлари Хоразмдан Самарқандга кўчиб келиб, гузар тузишади ва уни Гузари Махдуми Хоразм («Хоразмлик жаноб гузари») деб аташади деган маълумот ҳам бор. Отасининг буvasи Самарқандда Қори Ниёзхўжа Урганжи номи билан машҳур бўлиб келган. Надим Бехбудийнинг таъкидлашича, М.Бехбудийнинг хотини шайх Қутби Чордах уруғидан бўлиб, бу улуг Амир Темур ҳукмронлиги даврига қадар Самарқанд яқинидаги Матруд деган ерда хизмат қилишган. Тепа қўрғонда шайхнинг қабри бўларди ва бу қабр жойлашган мазор Россия томонидан босиб олингач, фортификацион қалъа барпо қилиш учун портлатиб юборилди.

Г.В. Андреев билан бўлган суҳбатда М.Бехбудий унинг авлодида араблар бўлганини айтади: «Бу, албатта, анча олдин, 100-200 йиллар аввал бўлган бўлса керак. Ҳозир эса бизнинг

¹ Авазов Н.Х. Махмудхўжа Бехбудий - маърифатпарвар. Тошкент. 1993. 1-6.

² Надим Бехбудий - Махмудхўжа Бехбудийнинг невараси, Самарқанд Давлат Университетининг профессори. Вафотидан олдин, яъни 1995 йили у билан суҳбатда бўлганмиз.

³ Авазов Н.Х. Махмудхўжа Бехбудий - маърифатпарвар. Тошкент. 1993. 1-6.

⁴ Бу таҳмин мунозарали масала ва илмий изланишни талаб қилади.

уругимизда араблардан ном-нишон йўқ, ҳеч асар қолмаган улардан».¹ Бу ерда Бехбудий унга дастлабки маълумот берган тоғаларини - онасининг укаларини кўзда тутиб гапирган бўлса, ажаб эмас. У 6-7 ёшидаёқ Куръонни ўқишни тоғаси - Мухаммад Сиддикдан ўрганса, 15 ёшидан бошлаб яна бир тоғаси - мулло Одилдан араб тили грамматикаси, математика, ҳуқуқшунослик асослари, мантик ва тилшунослик, яъни ўша пайтда мавжуд бўлган дунёвий фанларнинг барчасини ўрганишга киришди. Ёш Бехбудий эгаллаган фанлар фақатгина хусусий мактабларда ўқитилар, улар эски мактаблардан ҳам диний, ҳам дунёвий фанлар ўқитилиши билан фарқ қилар эди. Шундай қилиб, Бехбудий ёшлигидан диний ва дунёвий таълим олди. Бунга, шубҳасиз оилада ҳукм сурган юксак маданият ва илм-маърифат муҳити ижобий таъсир қилди. Бехбудий оила муҳитида олган интеллектини ривожлантириб, юксак маърифий даражага тинимсиз изланиб, қаттиқ меҳнат қилиш эвазига эришди. Замонавий адабиётда Бехбудийнинг бирон-бир мадрасада ўқигани ҳақида маълумот йўқ. Бирок Бехбудийнинг ўзи Г.Андреев билан суҳбатлашганида «Самарканд мадрасасида ва Бухорода ўқиганини» айтган эди². Турк тадқиқотчи Иброҳим Ёркин М.Бехбудийнинг Бухоро мадрасасида узоқ вақт турганини ва Бухорода 1910 йилгача муфтий унвонини олгунига қадар яшаганини таъкидлайди.³ Фикри-мизча, у Бухорода кўп бўлмаган, чунки у 1903-1904 йиллари Россияга сафар қилади.

1893 йили Бехбудийнинг отаси вафот этади ва 18 ёшлик Махмудхўжа мустақил ҳаётга қадам қўйиб, қозихонага мирза бўлиб ишга қиради. Мирзалик иши унга, биринчидан, жамиятнинг барча ижтимоий қатламлари турмуши, ҳаётий муаммолари билан яқиндан танишиш учун шароит яратган бўлса, иккинчидан, тоғалариникида олган сабоқ ва билимларини амалиётга татбиқ этиш имкониятини берди. Фикҳ фанининг турли соҳаларидан имтиҳон топширган М.Бех-

¹ Андреев Г. Самаркандский журнал «Ойна» и его редактор-издатель Махмуд-ходжи Бегбуди // Туркестанские ведомости. 1915. 17 сентябрь.

² Андреев Г. Самаркандский журнал «Ойна» и его редактор-издатель Махмуд-ходжи Бегбуди // Туркестанские ведомости. 1915. 17 сентябрь.

³ Ibrahim Yarkin. Mahmud Hoca Behbudi // Hur Turkistan icin istikbala gazete. 15 ocak. 1975.

будий муфтий унвонини олади. Фикримизча, у бу унвонга И.Ёркин кўрсатган вақтдан анча аввал сазовор бўлган. 1899 йили 25 ёшли Бехбудий биринчи марта ҳаж сафарига чиқади. Ислом дунёсида муқаддас зиёратгоҳ саналган Маккаю Мадинага килган сафари унинг дунёкарашини кенгайишига сабаб бўлди ва умумжаҳон тарзда фикрлашга замин яратди. Саёҳат чоғида у Россия шаҳарлари, Қрим, Эрон, Туркия, Миср мамлакатларида бўлди. Сафар жараёнида йўл юришнинг барча турлари—поездда, кемада, отда ва пиёда юриб, дунёни кўрди, бошқа ердаги ҳаёт билан Туркистондаги яшаш тарзини таққослаш имконига эга бўлди. Бундан ташқари, савдо ишлари, зарур ва муҳим битим ва муносабатлар тузиш, ҳам диний, ҳам дунёвий алоқалар ўрнатилиши, фикр алмашиш, зарур китоблар, газета ва журналлар, ўқув қўлланмалари ва дарсликлар сотиб олиш... Буларнинг бари Бехбудий Ватанига қайтиб келгач, маърифат ва зиё тарқатишдек савобли ва улғу ишлар учун асқотди. Шундай қилиб айтиш мумкинки, Бехбудийнинг дастлабки ҳаж сафари улкан маънавий ва моддий аҳамиятга молик эди.

Ҳаж сафари чоғида Бехбудий Араб дунёси мамлакатлари, Туркия ва Мисрда жадидчилик чуқур илдиз отганини кўрди, у ерларда таълим-тарбиянинг янги усуллари билан танишди, ислоҳ қилинган мадраса ва ундаги педагогик тизимни ўрганди. Дастлаб тоғаси қози Муҳаммад Сиддик, кейинчалик қози мулла Зубайр қўлида мирзалик қилиб тажриба орттирган 25 ёшли Бехбудий учун араб дунёсида кўрган-билганлари кейинчалик кўп муаммоларни ҳал этишда қўл келди. Қозихонадаги иш Бехбудийни талай ижтимоий муаммолар билан тўқнаштирган эди. Албатта у Россияга қарам бўлган Туркистон ижтимоий-сиёсий, диний, ҳуқуқий тизимлари ва иқтисодий аҳволдан тўла хабардор, ватандошлар ғам-аламларига шерик эди. Бехбудийнинг ҳаётда кўпгина нарсаларни ўзлаштириш, яхшилаш, такомиллаштириш, мусулмон мамлакатларида ҳам умумжаҳон цивилизацияси билан ҳамоҳанг тараққиётга эришиш мумкинлигига ишончи мустаҳкамлана борди.

Ҳаж сафаридан уч йил ўтгач, 1903-1904 йилларда Махмудхўжа Петербург, Москва, Қозон, Оренбург, Қримда бўлди. Маориф соҳасидаги Россия, айниқса татар қардошлар тажрибаси, Исмоил Гаспринский билан яқиндан танишув

Бехбудийнинг бутун саъй-харакатини жамиятни қайта қуриш режаларини амалга оширишга қаратди. 1914 йилга қадар бу борада у анчагина тажриба орттирди. Янги усул мактаблари очилгани, жадид газеталари нашри, дарсликлар яратилганлиги, Туркистондаги ақл-заковатли кучларнинг унинг ғояси атрофида уюша бошлаши, маданият ва адабиётда янги тамойиллар, илғор йўналиш ва оқимнинг пайдо бўлганлиги Бехбудийни янада шижоат билан фаолият юритишга даъват этар эди. Шу билан бирга, Бехбудийнинг мақолаларида ўзи бу ишлардан хали тўла қониқиш ҳосил қилмаганини, ўз лойиҳасини янгилаб, уни дадилроқ амалга ошириш ниятини яққол кўрамаиз.

Янада кўпроқ озуқа олиш истаги уни навбатдаги чет эл сафарига ундайди. Бу ниятни у ўз ўқувчиларига «дўхтирларнинг маслаҳати» деб изоҳлайди ва саломатлигини тиклаш мақсадида режалаштирганини билдиради.¹ Қозихонадаги сермашаққат иш, илмий фаолият (бу пайтга келиб у 7-8 китоб нашр этишга улгурган эди), «Ойна» журналида осон бўлмаган ишлар, ташкилий ва иктисодий кийинчиликлар, китоб савдосини ташкил этиш билан боғлиқ муаммоларнинг ҳаммаси Бехбудийдан ғайрат, қуч ва қувват талаб этар эди. Сафар чоғида у дам олиш билан бирга ўз дунёқарашини кенгайтириш, жиддий алоқалар ўрнатиш, маданият ва маориф соҳаларида бошқа мамлакатларнинг тажрибасини ўрганишдек ўз режаларини белгилаб олиб, Туркия ва Миср ҳамда араб дунёсининг турли мамлакатларига узок - саккиз ойлик сафарга отланади. Бу ҳам ҳаж сафари, ҳам улуг мутафаккирнинг оламини билишдек буюк мақсад сари интилиши эди. Узок ва сермашаққат йўл давомида Бехбудий улкан ва кенг кўламли ишларни амалга оширди. У сайр этган барча мамлакатларнинг иктисодиёти, географияси, тарихи, ижтимоий-сиёсий аҳволини ўрганади ва булар ҳақида «Ойна» журналининг 15 та сониди «Саёҳат хотиралари» номи остида кундалик ёзувларини эълон қилади. Бехбудийнинг хотира кундалиги ҳамма томондан (барча жиҳатлари бўйича) кизикарли ва фойдали бўлиб, унда мамлакатларнинг аҳолиси, халқларнинг хўжалик турмуши, зироат юритиш маданияти, маиший ҳаёт

¹ Бехбудий М. Қасди сафар // Ойна. 1914. № 31, 24 май. 598-б.

маланияти, савдо-сотик ва кўплаб бошқа нарсалар атрофлича ёритилади. «Саёхат хотиралари»да Марв, Байрамали, Красноводск, Боку, Кисловодск, Железноводск, Эссендуки, Одесса, Ростов ва бошқа шаҳарлар хақида тўла маълумот баён этилган. Туркия ва Жазоир, Сурия каби араб мамлакатларининг баёни эса тўлақонли, мукамал характер касб этади. Бу ерда шаҳарларнинг меъморчилиги ва мамлакатларда сиёсий вазиятдан тортиб то жамиятда аёлларнинг тутган ўрни, аҳолининг машғулоти, кийим-кечаги ва либосларидаги ўзгаришлар, банк хизмати ва фаолияти, темир йўллар ҳамда меҳмонхоналарда тунаш ва унинг нархи, баҳосигача ўз аксини топган. У кўрган-кечирганларини тарозига солиб, уларни бир-бирига таққослаб ва солиштириб, мамлакатлар ривожда ижобий ва салбий, илгор ва қолоқ, тараққиётни олдинга ва орқага тортадиган йўналишларни таҳлил қилиб, хулоса чиқаради. Бехбудий Байрут олий ўқув юртлари ва дорилфунунида фаранг, олмон ва инглиз тиллари ўқитилиши. Европалик олимларнинг у ерда дарс бериши, кимё лабораторияларининг борлиги, тиббиёт олийгоҳларида жаррохлик хоналарининг борлигига хавас ва эътиқод қилган бўлиб, она Туркистоннинг тараққиётда нақадар ортда қолганлигини афсуслар билан ёзади. «Бу ерда, Туркистондан ташқари, дунёнинг барча мамлакатларидан ёшлар келиб ўқишади», - деб надомат ила бонг уради у. Бехбудийни кутубхоналар, у ердаги жуда кўплаб журнал ва газеталар хайратга солади.¹ Шак-шубҳасиз, Бехбудий нафакат саёхат қилади, балки шу мамлакатлар халқларининг бой илмий ва ижодий меросини ўрганади. Бу каби саёхатлар Бехбудий билимининг бойиши ва инсонпарварона фалсафасининг, илгор дунёкарашининг ривожига жуда улкан хисса қўшди. Бехбудийнинг теран фикри ва соғлом ақл-заковати уни она Туркистон ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётига эришув йўлидаги орзу-ўй ва ғояларини амалга оширишга ундади. Шу билан бирга, у муқаддас Каъбани зиёрат этиб, рухан энгил тортади, инсон заковатига тасанно айтиб, ҳамдусанолар ўқийди. Хаёлан у мўътабар Макка шаҳри бунёдкорларига «Эй ўтмуш муқаддас мусулмонлар! Эй бонийлар! Эй фотиҳлар! Оллох сизларни ниҳоятсиз раҳматларга ғарк

¹ Бехбудий М. Саёхат хотиралари // Ойна. № 48. 20 септябрь. 1914. 1142-1147-б.

этсунки, замонангизда бу кадар лохутий асарларни бизда этибсиз. Чин мусулмонлар, хакикий инсонлар сизларсиз»¹ - деб хайкиради, эхтиром айлайди. Бирок хаётий муаммолар уни кўпрок кийнайди ва бу нарса сафар кундаликларида ўз аксини топади. Бу борада жадидчилик масалалари бўйича олмониялик тадқиқотчи профессор Ингеборг Бальдауфнинг куйидаги фикрига қўшиламиз: «Маҳмудхўжа Қуддуси шарифга саёхати бахонасида ўқувчиларга кўнглининг тубида чўкиб ётган ғам-андуخلарини, Ўрта Осиёнинг дард-ташвишларини баён этиш ҳамда ватандошларига уларнинг хатоларини кўрсатиб бериш учун бу асарни битган». Олмон тадқиқотчисининг фикрича, Бехбудий хотира кундаликларидаги географик ва савдо-сотикқа оид қайдномалар яқин келажакда мамлакатлараро савдо-сотикқа ва сайёхлик алоқаларининг вужудга келиб ўрнатилиши ниятида ёзилиб кетилган.² Шу билан бирга, «Саёхат хотиралари», «Ойна» журналининг ўзи сингари, Ўрта Осиё буржуазия вакиллари ва сармоядорларига дунёни Париждан Японияга кадар акс эттирувчи ойна бўлибгина қолмасдан, балки Туркистон учун мусулмон Шарқини, ислом дунёсини кашф этди, унинг цивилизациясини кўрсата олди десак, муболага бўлмас.

Асарнинг ўзида муаллифнинг руҳи, ўзлиги кўриниб турибди. Бехбудий нафақат қузатувчи, балки бунёдкор ва маърифатпарвар инсон сифатида ҳам намоён бўлади. Унинг табиатан жўшқинлиги, хаётий фаоллиги мураккаб вазият-ҳолатлар юзага келганда, ўзини четга тортишга йўл қўймайди. Масалан, Ростов шаҳрида у ўзаро бир-бирига қарши қурашувчи мусулмон гуруҳларни яраштириб, уларни бир мақсад сари бирлаштиришга ва уларнинг умумий саъй-ҳаракатларини мактаблар қурилишига жалб этишга уришиб кўради. Муқаддас жойларда Макка шаҳри атрофларида ночорлик ва бечораҳол, вайронагарчилик ва табиатан атроф-муҳитнинг бузилганлиги, тарбиясиз ёш болаларнинг ҳаж қилгани келган мусофир одамларга нисбатан ёмон муносабатларини кўриб, барча-барчани Оллоҳ йўлида пайгамбаримиз ҳаққи ўзлигини тушу-

¹ Бехбудий М. Саёхат хотиралари // Ойна. 1914. № 51, 14 октябрь, 1212-б.

² Бальдауф И. Маҳмудхўжа Бехбудий Фаластинда // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1993, 21 май. № 21.

ниб етишига ва бунинг учун қакраб ётган ерлардаги доврахтни парваришлаб, сув қўйишга, бузилиб излан чиккан сув йўллари ва иншоотларини тозалашга, тузатишга, қадимий ёдгорликларни вайрон бўлиб кетишидан саклашга ва уларни асраб-авайлашга ундайди ва чакиради.¹ Муфтий Махмудхўжа Бехбудий гоҳида хаёлий романтик сифатида ҳам кўринади. Унинг сокин кўнгли табиатни, она-заминнинг гўзаллигини кўрганида тўлқинланмай туролмайди. Қуёш ботаётган шомдаги кечки денгиз манзараси уни мафтун этади. Дамашкдаги Валид ибн Абдумалик томонидан қурилган масжид уни лол қолдиради ва шу даражада хайратлантирадики, уни кўргани хафта давомида ҳар куни келиб, зиёрат қилади ва бу бино меъморчилигини дунёнинг бирор ерида кўрмаганлигини, уни, умуман, бошқа нарса билан таққослаб бўлмамлигини ёзади. Кўзларида ёш билан эслаб: «...Лохутий бир ҳолат рўй бериб, дунёни унутарсен, қалбинг, жисминг ёлғуз «Оллоҳ» дер», - дейди.

Бехбудийнинг табиати ва фаолиятидаги юксак даражадаги илм, бор куч-ғайратини халқ маърифати йўлида сарф қилишга бўлган интилиши ўзидаги ишчанлик ва тадбиркорлик, ҳар бир нарсани ўз йўлида имконият даражасида ишлатиш қобилияти билан уйғунлашиб кетган эди. У нафақат маърифатчилик назариётчиси ва ташвиқотчиси, балки у яна бутун Марказий Осиёда билимларни амалда тарқатиш тизимини барпо этган инсон эди.

Махмудхўжа Бехбудий падари бузруквори номи берилган «нашриёти Бехбудия» хусусий нашриёт эгаси, Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Наманган, Тошкент, Андижон шаҳарларидаги китоб дўконларининг хўжайини, «Ойна» журнали муҳаррири сифатида машҳур бўлган инсон эди. Хусусан, Самарқанддаги китоб дўконини у ўзининг ховлисида очган эди. «Бехбудия» кутубхонаси Самарқанднинг руслар истиқомат қиладиган қисмида очилган эди. Бу шунчаки кутубхона эмас, балки дўкон ҳам эди. Бу масканга ташриф буюрувчилар Истамбул, Миср, Байрут, Қозон, Богчасарой, Оренбург, Эрон, Ироқ, Ҳиндистон, Афғонистон, Петербург ва албатта Туркистонда чоп этилган китобларни кўриб, сотиб олишлари

¹ Ойна. 1914. № 50. 4 октябрь. 1189-б.

мумкин эди. Замондошининг гувоҳлик беришича, бу кутубхона Бехбудий вафотидан сўнг Туркистонда энг йирик кутубхоналардан бўлиб қолди.¹ Унда Қуръон ва ҳадисларнинг турли нашрларини, форс, турк, араб ва рус тилларида чиккан илмий асарларни сотиб олиш мумкин бўлардики, бу ерда китобларнинг баҳоси одатда анча арзон белгиланарди. Дунёнинг кўпгина мамлакатларидан Туркистонга катта ҳажмдаги китобларни экспорт қилиш, бу билан боғлиқ бўлган ташкилий ишлар, авваламбор, моддий жиҳатдан кенг имкониятга эга бўлишни, халқаро алоқалар ўрната олиш, ишбилармонликни талаб этар эди. Ваҳоланки, бу сифатлар ва имкониятлар Бехбудийда мавжуд эди. Кутубхонада кироатхона ҳам очилган эди. Надим Бехбудийнинг сўзи бўйича Бехбудий бу ерда илмий иш билан шуғулланувчиларга, мия фаолиятини кучайтириш учун фойдали бўлишини назарда тутиб ширин чой берилишини буюрган экан. Шу кичкинагина факт Бехбудийнинг илм ва билимга чанқоқ одамларга бўлган муносабатини, гамхўрлигини кўрсатиб турибди.

Қомусий ақл эгаси, инсонпарвар шахс бўлган Бехбудий тарих фанининг аҳамияти ҳақида гапириб, инсоннинг камол топишида ва жамиятни бошқаришда бу фanning ўрни бекиёслигини кўп маротаба таъкидлаб ўтган. Унинг: «Мозий истикболнинг тарозисидир»², - деган хитоби тарих ва ўтмиш тажрибасида ўзининг ҳақлигини исботлади.

Бехбудийнинг фикрича, жамият ривожини ва тараққиётида жамият онгида тарих фани қандай ўрин тутиши керак? Унинг бу муаммога бўлган муносабати «Тарих ва жуғрофия» мақола-ласида ўз аксини топган бўлиб, бу тадқиқот жиддий масалаларни кўтариб чикқан асарлардан бири саналади.³ Мутаассиб ислом намоёндаларининг қотиб қолган дунёкараши ҳукмронлик қилган даврларда бу фанлар бидъат ва гуноҳ ҳисобланган эди. Шунга қарши Бехбудий ўша вазиятда тарих ва жуғрофиянинг муҳимлиги ва зарурлигини, диний ақида-парастларга қарши туриб, бу икки фanning жадид мактабларида бугун ёки кеча кашф этилмаганини, балки жамият

¹ М.Ф.Махмуд-ходжа Бехбудий. // Наука и просвещение. 1992. № 1, август-сентябрь.

² Самарқанд. 1913. 3 октябрь.

³ Бехбудий М. Тарих ва жуғрофия // Ойна. 1914. № 27,28. 502-505-б.

хаётида қадимдан мавжуд бўлиб келганини исботлайди.

Табийий ва ижтимоий фанларни Бехбудий «Ақлли илмлар» деб номланган умумий тушунча остида бирлаштиради. Халқлар тарихи, мамлакат тарихи, ислом тарихини билмай туриб, оддий мусулмон фуқаросидан тортиб то давлат арбоби, руҳоний ва уламо, олиму фузалоларгача маърифатли бўла олиши асло мумкин эмас. Бехбудийнинг фикрича тарих давлатларнинг гуллаб яшнаши ва ё инқирози сабабларини, кишиларнинг эътиқоди даражасини, мусулмончиликка путур етиши ва исломга шак келтириб, унинг асосларини бузиб кўрсатиш сабабларини тушунтириб беради ва барча саволларга жавоб беради. Мукаммал, одил инсон бўлиб етишиш учун тарихни билмоқ даркор, ҳар қандай билим ҳам тарих илмисиз тўла ва мукаммал эмас, дейди Бехбудий. «Дунёга ишонмоқ учун, комил ва одил бўлмоқ учун тарихни ўқумоқ ва билмоқ керак. Подшою вазир, ҳукумат одамлари ва сиёсий кишилар учун тарих ўқумоқ керак. Дини исломнинг асли пайғамбар ва саҳобаларнинг исломият ва уммат учун жафо чеккан ва меҳнатларини билмоқ учун тарих ўқумоқ керак. Паст қолган ва ё тараққий қилган халқларни, жаҳонгир бўлган давлат, ё нопадид бўлган ҳукуматларни билмоқ учун тарих ўқумоқ керак... Мусулмонлик қандай кўпайди ва тараққий этди ва альон на учун мусулмонлар таназзул этдилар? Ва иложи худдорий ва тараққий надур? Муни билмоқ учун тарих ўқумоқ керак. Хулоса, дину дунёдан бохабар бўлмоқни хоҳлайдурган ҳар ким учун тарих ўқумоқ керак. Чунки ҳар нимаса ва шунинг асли ва насли тарихдан билинур»¹ - дейди у тилга олинган мақоласида. М.Бехбудий бу ҳақда мулоҳаза юришиб, ислом тарихини ўрганишни, албатта, зарур деб билади ва бу заруриятни биринчи ўринга қўяди. Бу ўз-ўзидан равшан. Маълумки, ислом таълимотини поклаш ва ислоҳ қилиш, таълим-тарбия ва ҳаётий кадриятлар муаммолари жадидлар фаолиятининг диққат марказида турди. Улар таълим, иктисодиёт, маданиятни ва умуман, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ислоҳ қилиш зарурлиги ислом таълимоти негизида яққол белгиланганини исботлашга ва буни халққа тушунтиришга ҳаракат қилдилар. Бехбудийнинг фикр-мулоҳазалари

¹ Ойна. 1914. № 27, 503-504-6.

шунчаки оддий ва хавойи фикр-мулоҳазалар эмас эди. Қуръони каримни тўлик ёд билган инсон сифатида у оят ва ҳадислардан мисоллар келтириб, ислом дини тарих ва ижтимоий фанларга қанчалар катта эътибор берганлигини исботлайди. Исломи тарихини чуқур билмасликдан ноҳуш ва ноқулай вазиятларга тушиб қоладиган баъзи бир дин арбобларини танқид қилади ва шу ҳақда қулгили воқеаларни эслайди. Тарих ва жуғрофия инсон учун қуёш каби зарурлигини, тарихни яхши билмоқ учун жуғрофия ва айниқса, тарихий жуғрофияни билиш зарурлигига ўқувчининг диққатини тортади. Бу мақоласи билан чекланмай, журнал муҳаррири ўз ўқувчиларига турли-туман фанлар бўйича мунтазам равишда маълумотлар бериб туришни ваъда қилади. Исломи тарихига эса Бехбудий «Муҳтасари тарихи ислом» - «Исломининг қисқача тарихи» деб номланган махсус асар бағишлади. Унинг таъкидлашича, Қуръони карим билимдони, шарҳловчиси ва муҳаддислар олдига қадимдан улар эгаллаши керак бўлган бир қанча шартлардан бири тарих фанини ўрганиш эди.

Булар бежиз эмас эди. Бинобарин, тадқиқотчиларнинг аниқлашича, Қуръони каримнинг тўртдан бирини тарихий факт, воқеа ва маълумотлар ташкил этади.

Тарихни ўрганишга Бехбудий қанчалар катта аҳамият берганини «Бехбудия» кутубхонасида мавжуд ва сотувга чиқарилган китоблар рўйхати айтиб турибди ва бу ердаги нашрларнинг етмиш фоизини тарихга оид асарлар ташкил қиларди. Бу китоблар орасида уч томлик «Тарихи маданият», «Тарихи ислом», «Буюк тарихи умумий», «Тарихи истиқбол», «Турк тарихи», «Зафарномаи шохий», «Хулосаи тарихи маданият», «Ойнаи тарихи усмоний», «Маданияти исломия тарихи», «Темурланг», «Йигирманчи асрада олами ислом ва Оврўпа», «Тарихи кашф ул-Амрико», «Тарихи Эрон», «Тарихи Эрони бузург», «Тарихи Бахтиёри» ва бошқалар бор эди.¹ «Ойна» журналининг 38-сонидан имзосиз босилган долзарб мақолада фақат Маҳмудхўжа Бехбудий кўтариб олиб чиқа оладиган масалалар ўртага ташланади. Ўлка тарихига оид ханузгача «тартибли, истифодали, мукамал бир асар йўқ»²

¹ Ойна. 1914. № 47. № 43.

² Туркистон тарихи керак.// Ойна. 1914. № 38. 12 июнь. 797-6.

Тўғриси, шундай асар ёзувчи киши турк ўғлонларидан хануз майдонга чиккан йўк». Лекин, дейди муаллиф, тарих бўйича ёзилган китоб йўк деб бўлмайди. «Туркий, форсий ва арабий тилларда неча китоблар ёзилгандурки, у китоблардан рус ва бошқа европалыйлар истифода эткан ва этмакдадурлар». Аҳолининг кўпроқ қисса, хикоят, ошикона газал китобларга мойиллигини ҳисобга олган ноширлар кўпроқ моддий манфаат топиш мақсадида айнан шундай асарларни чиқарадилар. Тарихни унутганлигимиз оқибатида барча гуноҳлар сиз ва бизнинг бўйнимизга, елкамизга тушади, дейди у. Туркистоннинг янги тарихини ёзишнинг нақадар машаққатлилигини тушунган Бехбудий, бундай асарни ёзиш Аҳмад Заки Валидийнинг қўлидангина келади, деб ҳисобларди.¹

Махмудхўжа Бехбудийнинг «Сарт сўзи мажҳулдир» мақоласини биз нихоятда муҳим маъна сифатида баҳолаймиз, аммо афсуски, жуда кам тарихчи ва этнографларгагина у маълум. Мақола - ўз замонаси илмий изланишларига таянган ҳолда, аҳоли фикрини билишдан тортиб маъбаларни ҳам ўрганиб, мавзуга оид қатор адабиётларни тадқиқ қилиш натижасида яратилган илмий асар.² Нима сабабдан М.Бехбудий бу мавзуга қўл урди? Маълумки, Туркистондаги рус аҳолиси ўртасида юқори бошқарув доираларининг саъй-ҳаракати оқибатида маҳаллий аҳолини «сарт» номи билан айтиш кенг тарқалди. Ҳаётда эса «сарт» ишлатилмас эди. Бехбудий шунинг учун ҳам бу «сарт» атамасининг қўлланишига қарши эди. У халқни бу ном билан аташ нотўғри эканлигини исботлаш учун жиддий тадқиқотлар олиб бориш кераклигини тушунган. Шунинг учун Бехбудий ўз халқи тарихи ва хотирасига мурожаат қилди. У «Таржумон» газетаси муҳаррири Исмоил Гаспринский ўзи ташкил этган нашрлар, шунингдек, «Туркестанский курьер» газеталарида ушбу мавзуда чиқишларини қўллаб-қувватлаб, юқорида зикр этилган мақолани чиқаради. Албатта, Туркистонда бу масала аллақачонлардан буён мунозарага сабаб бўлган муаммо эди. Бехбудий «Ойна» журналида бу ҳақда биринчи бўлиб Баҳромбек Қоровулбеги сўзлаганини эслатиб ўтади. Аҳмад Заки Валидий иштирок этган муно-

¹ Туркистон тарихи керак // Ойна. 1914. № 38. 12 июль. 797-6.

² М.Бехбудий. «Сарт сўзи мажҳулдир» // Ойна. 1914. № 22, 23, 24.

У-6244/2

заралар «Ойна» саҳифаларида ёритиб келинди. Журналнинг учта сониди чиккан каттагина мақоласи билан Бехбудий бу муаммо бўйича охириги хал қилувчи нуқтани қўйиш учун мунозарага олимлар, ёшлар, фикрлайдиган одамларни тортди. Бехбудий бир нарсани: туркистонликлар ўзларини ким деб атайдилар ва уларга яқин бўлган атрофдагилар-чи, шуни аниқлаб олайлик, дейди. Туркистоннинг ғарбида яшовчи туркманлар туркистонликларни «тожиклар» деб, Туркистоннинг жанубида Балх, Балахшон, Чахорда яшовчи аҳоли туркийча сўзлашадилар ва туркистонликларни «ўзбеклар» деб, Афғонистон аҳолиси - тожик ва ўзбек тилларида сўзлашувчи халқ туркистонликларни «ўзбеклар» ва «туркийлар» деб аташади. Юқорида санаб ўтилган халқлардан бирортаси «сарт» сўзини билмайдилар. Кавказ, Эрон, Хиндистон халқларига ҳам «сарт» сўзи номаълум. Улар ҳам Туркистон аҳолисини ўзбеклар ва тожиклар сифатида биладилар. Фақатгина козок ва татарларнинг маълум бир қисми туркистонликларни «сарт» деб атайди, яъни улар козок бўлмаган халқларни сарт деб биладилар. Бехбудийнинг: «на учун «сарт» дерсан?» - деган саволига улар - «бизнинг чўлнинг сиртида ўтиргани учун «сарт» дермиз. Сирдарёни бир замонлар Яксарт деганлар. Дарёнинг аржогиди ўтирганларни биз «сарт» деганмиз»¹ - деб уларнинг тилидан ёзиб олади Бехбудий. Бехбудийнинг сўзларига караганда, Туркистондаги 92 уруғ ва қабилалар орасида «сарт» номи билан аталувчи халқ ёки қабила-уруғ бўлмаган. Муаллиф Самарқанд шаҳри ва вилоятида тадқиқот ишларини олиб бориб, қўйидаги хулосага келади: «Самарқанд вилоятинда Тотор, Мангит, Мўгул, Қангули, Қазок, Намин, Дўрман, Қирк, Ўзбек, Сарой, Олчин, Баҳрин, Юз, Турк, Барлос ва амсолий исмлиқ кишлоқлар кўп. Хулоса турк-ўзбекларнинг ҳар бир қабиласининг исми тақилган кишлоқлар ниҳоятда кўпдур. Аммо мажхул «сарт» исми берилган бир-да кишлоқ йўқ... Самарқанд синжоқининг шарқий, жанубий ва Ғарбий қисминдаги халқи аксари туркий сўйлайдурлар ва улар халқини «тожик» атайдур. Ҳеч вазҳ ила ва бу биргина улусун шаҳар халқини «сарт» демас».²

¹ М. Бехбудий Сарт сўзи мажхулдир. // Ойна. 1914. № 24. 5 апрель, 364-б.

² М. Бехбудий Сарт сўзи мажхулдир. // Ойна. 1914. № 24. 5 апрель, 362-363-б.

Самарқанднинг гарбида жойлашган тожикларнинг 24 та қабиласи истикомат қиладиган Чашман волостида «Қайирма козок» деган кичкинагина қишлоқ бўлиб, шаҳар аҳолиси у ердаги козокларнинг бир қисмини «сарт» деб атайди.¹ Хуллас, Бехбудий улкан ва кенг қамровли этнографик изланишларни амалга оширди ва ким билан суҳбатлашмасин, савол-жавоблар натижаси уни: «сарт» атамасини фақат руслар, козоклар ҳамда тоторларнинг озчилик қисминигина қўллар экан, деган фикрга олиб келди. У ёзади: «Роқими ҳуруф 20 саналдан зиёда бир муддат Самарқанд атрофиндаги қишлоқлар халқини маржаъи бўлган дор ул-қазо ва баъзан вазъи хирож ишларинда машҳул бўлуб, ҳар нав халқ ила сўйлашганмен». Ҳар вақт тотор ва козок уругига мансуб кишилардан шаҳар халқини «сарт» аталганини мушоҳада этди. «Бу икки уруг ила руслардан бошқа на Туркистон, Эрон ва на Кавказ, на араб ва на ҳиндий ва на хитойларнинг Туркистон халқини ва ё тожикларни «сарт» атаганини эшитмадим.» Бехбудий Туркистоннинг турли бурчакларида ёши 60 ёшдан - 100 гача бўлган кекса кишилар билан суҳбат ўтказди ва қўплаб қабилалар - уруглар номини билиб олиб, ўз мақоласида келтирди, лекин кекса кишиларнинг бирортаси «сарт» сўзини билмас, эшитмаган ҳам эди.²

Маълумки, «сарт» атамаси чуқур тарихий илдишга эга. Лекин бу ерда гап XIX аср охири - XX аср бошларидаги воқеа-ҳодисалар ҳақида кетаяпти. «Сарт» сўзига ўзбек, тожик ва бошқа халқларнинг ўзлари қандай қарардилар?³ Бехбудий бу саволга шундай жавоб беради: «Матбуотдан бохабар туркистоний ўзбек ва ё тожик ё арабга «сарт!» деб хитоб қилинса, ўзларига ор ҳис этарлар. Албатта, бир кишини ота-онаси берган исми бўлиб ва они мансуб қабила ва уруги бўлиб туруб, они бошқа бир исм ила чакириб ва номаълум ва ё маълум қабила исминини тақилса, онинг хушланмасига... ҳаққи бўлса керак».³ Афсуски, таникли тарихчи ва адабиётчиларга унинг қилган мурожаати ҳеч қандай натижа бермади.

¹ М. Бехбудий Сарт сўзи мажҳулдир. // Ойна. 1914. № 24, 5 апрель, 362-363-б.

² Маҳмудхўжа Бехбудий «Сарт сўзи мажҳулдир» // Ойна. 1914. № 22, 22 март. 340-б.

³ Маҳмудхўжа Бехбудий «Сарт сўзи мажҳулдир» // Ойна. 1914. № 22, 22 март. 340-б.

Шунга қарамасдан, Бехбудий замонавий адабиётларга мурожаат қилади ва Н.П.Остроумовнинг «Сартлар. Этнографик маълумотлар» китобини, Вамберининг «Ўрта Осиё бўйлаб саёхати», Логофетнинг «Бухоро хонлиги», Гайернинг «Туркистон саёхатномаси» асарларини ўқиб, ўрганadi. «Ойна»нинг 1914 йили, 25-сонидa буларнинг тадқиқига бағишланган мақоланинг давоми босилиб чиқади. Бехбудий Н.П.Остроумовнинг китобига танқидий муносабат билдириб, унинг бир-бирига қарама-қарши бўлган зиддиятли томонлари борлиги ва муаллиф томонидан сартлар ўзи ким эканлигини аниқлаб кўрсата олмаганини таъкидлайди. Аслида Н.П.Остроумов Туркистон аҳолисининг маиший турмушини ўрганишни мақсад қилиб қўйган бўлиб, аҳолини сартлар деб атаган эди. Бехбудий Гайернинг фикрини қўллаб-қувватлайди. Гайер ўзбек ва тожикларни «сарт» деб аталишига гумон кўзи билан қараган эди. Вамбери ва Логофет асарларини ўқиб, Бехбудий ўз фикрларининг ҳақлигига ишонч ҳосил қилди. У расмий манба ва маълумотларга, 1898 йилги аҳоли рўйхатига ҳам мурожаат этиб, Россияга қарам Туркистонда истикомат қилётган халқларнинг номларини келтиради.

Бехбудийнинг мақоласи бизларга унинг нафақат публицист, адабиётчи, маърифатпарвар, балки яна ажойиб олим назарий ва амалий хулосалар ясовчи, илмий усулларини қўллаб изланишларни олиб боровчи тадқиқотчи олим сифатида намоён қилди. «Туркистон ўзбеклари», «Туркистон тожиклари», «Туркистон араблари», «Туркистон туркманлари», «Туркистон яҳудийлари» атамаларини қўллашга даъват этиб, у оддий халқ учун ёт, бегона, бемаъни бўлган номларга чек қўйишни таклиф қилади. Кейинчалик «сарт» атамасининг одамлар тилидан тушиб, унут бўлиб кетганлиги М.Бехбудийнинг ҳақлигини исбот қилди, унинг фикрлари кенг халқ оммаси томонидан қўллаб-қувватланди. Бу билан Бехбудийнинг фикри ва бу масалага унинг муносабатидан бошқа ажралиб турувчи фикр-муносабатлар бўлмаган, демокчи эмасмиз. Масалан, «Салои Фарғона» газетаси 1911 йилги 30-сонидa «Сарт сўзи маълумдир» мақоласини босиб чиқарди. Унинг муаллифи - Абдуллобек афсоналарга асосланиб «сарт» сўзи «масжидлик ва мадрасалик», «озода ва маданий» маъноларини берувчи сўз эканлиги ва бу ном билан фахрланиш

кераклигини исбот қилишга уринади. Бехбудий «Ойна» саҳифасида бунга жавоб тариқасида «Сарт сўзи маълум бўлмади» мақоласи билан чиқди.¹ Мақола имзосиз ёзилганига қарамай, ифода усули ва даражасига кўра, унинг муаллифи айнан М.Бехбудий эканлиги сезиляпти. Нима бўлганда ҳам, қуйидаги ажойиб фикр Бехбудийдан бошқа бирон кишига тегишли бўлмаса керак: илмий жиҳатдан жиддий исбот-далилларсиз бирон нарсани таъкидлаш мумкин эмас ва «номаълум бир ривоят ила улуг масала тарихини ҳал этмоқликни эса тарих ҳақинда жиноят санайдурлар».² Бехбудийнинг тараққиётда фанга бекиёс ўрин ажратиб қараганлигига у билан Бухоро ва Самарқандда бир неча марта учрашган Садриддин Айний гувоҳлик беради. С.Айний у билан биринчи марта 1908 йили Самарқандда бир меҳмондорчиликда бўлганини ва Бехбудий у ерда ҳамманинг эътиборини тортиб ўтирганини, ҳамманинг диққат марказида бўлганини хикоя қилади: «Бу кеча Маҳмудхўжа кўпинча фанний масалалардан сўз чиқариб, ердан, кўкдан, ойдан, юлдуздан, қисқаси, ул вақтгача биз эшитмаган нарсалардан кўпгина сўйлади»³. Маҳмудхўжа Бехбудий билан иккинчи учрашувини эслаб, ўшанда Айний Абдулқодир Шақурий билан унинг уйига ташриф буюришганини, суҳбат мавзуси Туркистон ва Бухородаги илмий ва ижтимоий масалалар бўлганини кўрсатиб ўтади.⁴

Вақт ўтиши билан содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни тадқиқ этиб текширган Бехбудийнинг сиёсатшунослик ва маданиятшунослик асарлари ҳам тарихий аҳамиятга молик бўла борди. Бу ерда Туркистоннинг миллий давлат қурилиши муаммолари муҳим ўрин эгаллайди. Туркистоннинг сиёсий аҳволига ва тузилишига М.Бехбудий қандай муносабатда бўлган? У ўз халқи тараққиётини нафақат маърифатда, балки унинг сиёсий мақомининг кескин ўзгаришида, ўз мустақиллигини қўлга киритишда деб билди. Ўзининг кўплаб мақолалар ва сиёсий-ижтимоий фаолиятида у рус чоризми

¹ «Сарт сўзи маълум бўлмади» // Ойна. 1914. № 39. 19 июль. 922-924-б.

² Ўша ерда. 924-б.

³ Садриддин Айний. Бехбудий ҳазратлари тўғрисида хотираларим // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1988. 15 апрель. №16. «Зарафшон» 1922. 25 март. №32. нашрга тайёрловчи Ш.Турдиев.

⁴ Ўша ерда.

ва вақтли ҳукуматнинг мустамлакачилик сиёсатини фош қилади, мавжуд тузум қонунларини танқид остига олади. Масалан, вақтли ҳукумат томонидан ўз моҳияти жиҳатидан демократик кўринган бир қонун қабул қилинди. Бу қонунга биноан, қози ёки волост 25 ёшга кирган ҳар қандай мусулмон кишиси сайланиши мумкин эди. Бироқ бу лавозимга сайланадиган одамдан, унинг қобилияти, ишчанлик маҳоратини тасдиқловчи бирор бир ҳужжат талаб қилинмас эди. Демак, ҳулоса қилади М.Бехбудий, маълумоти йўқ, ноҳалол кишилар учун бундай лавозимларни пулга сотиб олиш имконияти пайдо бўлади. «Мустабид ва зolim ҳукуматнинг мақсад ҳукмронларининг бу қилган жабрлари ўзлари учун энг яхши, биз мусулмонлар учун энг жонсиз ва хароблиғни берди. Бу зақун бизга саводсиз қозиларни оқча ва расво ила сайламоғига ёрдам этди».¹ Мадраса мударрисларининг сони қисқариб кетганлиги шунга олиб келдики, эски зиёлилар ўрнига 2-3 мударриснинг ўрнини эгаллаб ишлаш шарти билан билими паст бўлган ёшлар ишга қабул қилинар эдилар. Шундай қилиб, бир «билимсиз» киши бир неча фанлардан сабоқ берарди. «Натижада илмо озаиди. Ахлоқ бузилди, илмо мусулмонияга жоҳил ва хоинлар сирф саводсиз кишилар қози бўлди. Тадрис ва афтодаи ожиз кишилар муфти, мударрис бўлди. Бир мулла ҳам қози ва ҳам мударрис ва ҳам оқсоқол бўлиб, талаба, маорифчи ва аҳоли ишларини сактага учратди. Бошқа тарафга карасак, қози ва мударрислик учун истеъдод бўлган уламомиз оч юрадур. Оҳ, зolim ҳукумат ва миссионерлар бизга наълар қилдилар».² Лекин мустақиллик ва озодлик курашсиз қўлга киритилмайди. Бехбудийнинг имони қомилки, «Ҳақ олинур, берилмас!» У мақоласига шундай сарлавҳа қўяди, «Баёни ҳақиқат» мақоласида ҳам юқоридаги сўзларни таъкидлайди. Тарихдан яхши маълумки, деб ёзди Бехбудий: «Ҳақ олинур, берилмайдур. Ҳар миллат ва мамлакат халқи ўзининг ҳуқуқи, дини ва сиёсатини ҳаракат ва иттифоқ ила бошқалардан олади... Биз мусулмонлар, хусусан, Туркистон мусулмонлари, истаимизки, ҳеч бир киши бизнинг дин ва миллатимизга зулм таҳдид қилмасун ва бизни ҳам бошқаларга таҳдид

¹ Бехбудий М. Бизга ислоҳ керак // Наҳот 1917. № 18, 7-ноябрь (17 апрель).

² Бехбудий М. Бизга ислоҳ керак // Наҳот 1917. № 18, 7-ноябрь (17 апрель).

килмокка асло фикр ва ниятимиз йўк».¹

Бехбудий «Хуррият берилмас, олинур»² номли мақола муаллифи Мунавваркорининг фикрига қисман қўшилди. Лекин Мунавваркори озодликни «Факат қон илагина олиб бўлур», - деб ҳисобларди. Бехбудий эса кўпчилик жадиладар сингари, мустамлақачиликка қарши қонсиз кураш тарафдори ҳар қандай инқилобга қарши эди. У доимо диққат билан Дума ишини кузатар, парламент кураши орқали кўп нарсага эришса бўлади, деб ҳисобларди. У Мухториятнинг ашаддий тарафдори бўлишига қарамай, тараққиётга эришишнинг тадрижий аста-секинлик билан амалга ошуви усулларини ёқлаб чиққан эди. Ҳатто, Россия таркибида туриб ҳам Туркистон ўз мустақиллигига эришиши мумкин, деб ҳисобларди. Февраль инқилобидан сўнг Россия федератив тузилмасини ва унда Туркистоннинг ўрни қай даражадалигини Бехбудий қандай тасаввур қилган? У ёздики: «Беш вилоятдан иборат... Туркистоннинг ҳар бир шаҳар ва уездидан бир неча нафардан киши сайланиб, Тошкентда катта марказ ва мажлисимиз бўлурки, барча олур-солик ва минбаъд бўлатурган қонун ва низомларни алар тузиб, Туркистонда жорий қиладурлар. Русия ҳукумати ила мусулмонлар орасинда шул мажлис восита бўлур. Туркистон учун ва ҳар вилоят сайланган волий ва маъмурларни алар мустақкам қиладурлар. Туркистоннинг на тараққий ва инқишофига алар ҳаракат қиладурлар. Албатта, мазкур вакил ва маъбусларимизнинг кўпроқ мусулмонлардан ва озроғи руслардан бўлур, ишлар ҳукм ила ва зўр ила бўлмай, балки машруб ризолик ила бўлур».³ Бирок, бундай ҳуқуққа эга бўлиш учун, миллатидан қатъий назар, ҳамма ижтимоий қатламлар курашда иштирок этиши керак ва рус аҳолиси билан бирлашиб, «Туркистон мусулмонлари шўроси»ни тузиш керак ва бу шўрога ҳар бир уездан вакил сайланиши керак, деб таъкидлайди муаллиф.

Озодлик ва мустақилликка эришиш йўлидаги дастлабки шарт-шароитлар шулардан иборат бўлиши керак эди. Бехбудий фикрича, демократик Россия давлати доирасида Туркис-

¹ Бехбудий М. Баёни ҳақиқат // Улуғ Туркистон. 1917. 12 июнь.

² Мунавваркори. Хуррият берилмас, олинур // Наҳот. 1917. 26 март.

³ Бехбудий М. Ҳақ олинур, берилмас // Хуррият. 1917. №22. 13 июль.

тоннинг мухторият мақоми остида яшаши учун яна бир асосий шарт - бу ички можаро ва зиддиятларга барҳам бериш эди. «Баёни ҳақиқат» мақоласида бу ҳақда у: «Биз истаймизки, бутун Русия мусулмонлари мухторият (федерация) усули юзасидан тириклик қилсунлар. Русия мусулмонларининг ҳар бир шўъбаси мухити жуғрофия ва мамлакатларини ҳудуд табиъаси (чегараси) бўйича айрим бўлақларга бўлиниб, ўз тарафларидан ўз хуррият ва одатларига мувофиқ... идора қилиниб ва бутун Русия мусулмонлари учун Русия пойтахтида бир «Мусулмон марказий идора» вужудга келтирилиб, сиёсий ва иқтисодий ва мамлакат ишларига руслар ила қўлма-қўл ушлаб, дунё ва тараққий майдонга ҳаракат ва бирга жавлон этилсун... ..Мухториятли маишатни (турмушни - Д.А., Д.Р.) вужудга келтирмоқ учун... ал-хусус, биз - Туркистон мусулмонларига дозимки, аввало, қадим ва жадид низо лафзисини қўйиб, ўзаро иттифок истасак. Туркистон мусулмонлари бундаги русий, яҳудий ва бошқалар қўшилган ҳолда ўз бошларига Русиянинг бир парчаси ҳисоблана турган Туркистон ҳуқумини (ҳуқуматини) таъсис этсак, ўзимиз мажлис машваратимиз (парламентимиз - Д.А., Д.Р.) бўлсин, десак, Туркистон мусулмонлари шарият ва одатларига, ўз зақун ва динларига мувофиқ тириклик қилсунлар. Туркистон яҳудий, насроний ва мусулмонлари учун ҳаммаларининг манфаатларини эътиборга олатургон қонулар тузулсин. Агарда биз Туркистон мусулмонлари хоҳласакки, дин ва миллатимизни... иттифок этиб, бугундан ислоҳотга, иттифокка қадам қўйсалар... зиёли ва тараққийпарварларимиз, бой ва уламомиз бирлашиб, дин ва миллат, ватан ривожини учун хизмат этсак... Ўзимиздан бора-бора тадрижий суратда аскарларимиз бўлинсин. Ул миллий аскарларимизнинг вазифасини, киёфат ва шаклини, либос ва тарзи маишатини ўзимиз тайин қилурмиз. Мана, бизнинг олдимизда энг катта ишлар турибдур... Ҳозирги аҳволига қараганда яна биз мусулмонлар русларнинг фуқароси ва раияси бўлган ўлкадек, алардан даст ва рижого қолурмиз. Колония (мустамлакот) қондаси ила бизни идора этарларки, бунга ўз ихтилофимиз сабаб бўлур».¹ Миллий-озодлик

¹ «Улут Туркистон». 1917. 12 июнь.

ҳаракатидаги зиддиятлар мустахлақчилик тизимига яна олиб келишини Бехбудий яхши тушунар эди. Агар «бутун Туркистон халқи иттифок этса, қон тўқилмас. Ер ва амлоқ ҳам тақсим бўлмай қолур. Дин ҳам ривож топур. Минг қарра доду бедодки, ихтилоф этмок учун иттифок этқанимиз ва ихтилофимиз сабаби ила бадбахтликқа дучор бўлурмиз. Бутун Туркистон иттифок этса, 15 миллионлик бир қувват имлоға келурки, мунга ер титрайдур!».¹ Бу сўзларни Бехбудий «Туркистон мухторияти» эълон қилингандан сўнг айтган. Аммо Бехбудийнинг яқин сафдоши ва ўқувчиси бўлган Ҳожи Муиннинг гувоҳлик беришича, Бехбудий ёшлигида инқилобий ғоялар таъсирида бўлиб, айниқса 1905 йилги рус инқилоби унга кучли таъсир қилган. Лекин у кўп ўтмай мустақилликка эришишнинг тинч йўл билан амалга ошириш зарурлиги ҳақидаги фикрга кела бошлади. Шарқшунос Лазиз Азиззода М.Бехбудий ўлимнинг етти йиллиги қунига бағишлаб ёзган мақоласида: «Бехбудий энг аввал Туркистонни қор ҳукумати қўлидан қутқазиш ғоясини элга талқин қилувчилардан, аҳолининг эзилганлигини биринчи сезганлардан ва бу ҳақда турли уста йўллар ила истиқбол қурашига чақирганлардандир... У ҳар вақт ўз мақолаларида қор ҳукуматини танқид қилар, баъзан очик, баъзан яширин таъшиқотлар қилар ва айни замонда Бухоро амирлигига ҳам ҳужум қилар эди» - деб таъкидлайди.²

Мустақилликка эришиш йўлидаги энг муҳим қадамлардан бири, М.Бехбудийнинг фикрича, ёшлар ва кекса авлод вакилларининг бирлашуви дарқор. Ёш авлод ўзидаги шошқалоклик иллатидан қутулиб, масалаларни ҳал қилишда илмий асосларга суяниб иш қўриши ва мустақкам ирода намоён этиши керак. Афсуски, тан олади Бехбудий, ўзим тез ва шошилинч қора-талбирлар қўриш тарафдори эдим, лекин ҳаммаси режа асосида амалга оширилиши ва кекса авлод ёшларни миллат равнақи йўлида меҳнат қилиб қурашиш имкониятларидан маҳрум қилмаслиги керак.³

1917 йил баҳори Туркистон ўлкаси мусулмон аҳли сиёсий

¹ Бехбудий М. Туркистон мухторияти // Хуррият. 1917. 22 декабрь.

² Азиззода Л. Бехбудий // Маориф ва ўқитувчи. 1926. №2.

³ «Улуғ Туркистон». 1917. 12 июнь.

жихатдан уйғонди, бу масалала бурилиш ҳолати ясалдики, кучаяётган демократик жараёнларга бош-кош бўлиш истагини баён этган янги кучлар сиёсий сахнага чикдилар. Янги туғилаётган миллий демократик кучларнинг ядроси, яъни маркази сифатида ўз фаолиятида раҳбарлик мавқеига тайёргарлик кўриб келган жадидлар майдонга чикдилар.

Маҳаллий халқларнинг мустақиллик ва тараққиёт йўлида ўз ғояларини ўлкада шонли ва зафарли демократик инқилоб билан боғлаган жадидлар ҳаётга ўзлари эълон қилган принципларни татбиқ қилиш бўйича фаол ҳаракат бошладилар. Тобора кенгайиб бораётган демократик жараёнларда маҳаллий аҳоли сиёсий манфаатларининг устувор химоя этиш масаласи - жадидларнинг 1917 йил февраль воқеаларидан сўнг сиёсий сахнадаги фаолиятининг асосий йўналишига айланди. Туркистонда бу ғояларнинг бошида Махмудхўжа Бехбудий турар эди ва у ҳам барча жадидлар каби Россияда ғалаба қозонган Февраль демократик инқилобини кўтаринки рух ва қувонч билан кутиб олди. Бу инқилоб Туркистонда жадидлар учун мустақиллик бўйича ўз дастурларининг амалга ошишида катта имкониятлар беришини Бехбудий яхши тушунар эди. Туркистон маҳаллий халқларнинг сиёсий, миллий ва иқтисодий манфаатларини химоя этиш жадидлар ва хусусан, Бехбудий фаолиятида устувор йўналиш сифатида 1917 йил баҳори ва ёзидан то Кўкон мухторияти тор-мор бўлиб тугатилгунга қадар ҳукмронлик қилиб келди. Заки Валидий Тўғон ўз хотираларида Россия федератив давлат тузилмасини химоя қилиб, ёқлаш бўйича Бехбудий фаолиятини алоҳида кўрсатиб ўтади. «Қураш шу даражада шафқатсиз ва беаёв бўла бордики, ҳатто, дўстларни ҳам агар улар бизга қарши бўлсалар, аяб ўтирилмас эди. Кадетлар фирқаси йўл-бошчиларидан бири, Тошкент муниципалитетининг собиқ вакили проф. Малетскийга (Н.Г.Маллицкий кўзда тутилган - Д.А., Р.Д.) қарши аёвсиз қураш олиб боришга тўғри келди. Мени Самарқанд муфтиси - адабиётчи Махмудхўжа Бехбудий ва эсэрлар, асосан Вадим Чайкин ва шарқшунос Лев Зиминлар қўллаб-қувватлашди. Кўплаб Ўрта Осиёлик зиёдиларга кадетларнинг партияси яқин келар эди, аммо қозоқ, ўзбек ва туркман қишлоқларидан етилиб келаётган вакиллар бу кадетлар партиясига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлар

эдилар. Улар билан Махмудхўжанинг очикдан-очик мулоқотлари узок ва чекка жойлардан келган мусулмон вакилларини қилаётган ишимизнинг ҳақлигига ишонтира билди, уларни федерация тарафдорларига айлантирди».¹ Шунини айтиш керакки, Россия федератив курилмасига қарши турганлар агар Россия федератив республика мақомини қабул қилса, унда мусулмонлар бундан ютқизишадилар, чунки улар мухторият асосида ўз-ўзини бошқаришга ҳали тайёр эмаслар ва натижада тараққиётга ҳов бўлувчи, ҳалал берувчи мутаассиб (консерватив) рухонийларга тобе бўлиб, улар таъсирига тушиб қоладилар, деб хавфсирардилар. Бундай фикрлар таъсирига маҳаллий аҳолидан сайланган вакилларнинг маълум бир қисми ҳам берилган эди. Шунинг учун Бехбудийга тушунтириш ишларини кенгрок олиб боришга тўғри келди. Махмудхўжа Туркистон парламентида фақат рус тилидагина гапириш катта хато бўлур эди, деб ҳисобларди, туркий ва рус тиллари тенг ҳуқуққа эга бўлиши керак ва бу нарса эртамикечми амалга ошади, деб ишонарди. 1917 йил 9-16 апрели кунларида бўлиб ўтган Туркистон ўлкаси Ижроия кўмиталари курултойида сўзга чиққан Бехбудий, Аҳмад Заки Валидий билан ҳамкорликда маҳаллий халқнинг сайланадиган органларга тенг ҳуқуқли асосларда қатнашувини ёқлади. У қадетлар фирқасининг шовинистик сиёсати ва Н.Г. Маллицкийнинг позициясига қарши чиқиб, шаҳарнинг иккала қисми европалик ва маҳаллий қисми учун ягона шаҳар ўз-ўзини бошқарувини ташкил этиш зарурлиги ҳақида гапирди. «Мусулмонлар тараққиётда орқада қолишган ва улар мутаассибдирлар дейиш - нотўғри», - деди у, - «биз бир-биримизин, умуман олганда кам биламиз, биргаликда оз муддат яшадик, лекин эндиликда бизни озодлик бирлаштирарди. Бундай жипслашув ва яқдиллик мусулмонлар манфаатига хизмат қилади, зеро улар катта оғалари - руслардан ўрганишни истайдилар. Биз бирлашган Россиянинг фарзандларимиз ва биргаликда боришимиз лозимки, олдинги қистовга олишлар, сиқишлар унутилиши ва ортда қолиши керак. Шаҳар ўз-ўзини бошқарувининг бўлиниши руслар учун манфаатли эмас: кўпгина шаҳарларда рус қисмлари ўзларининг эҳтиёжларини кон-

¹ Заки Валидий Тоған. Воспоминания. Уфа. Китап. 1994, с-174.

диришга қодир эмаслар. Руслар ёш мусулмонлар билан бир-галикда ишлашлари керак. Мусулмонларнинг ўзлари озодлик ва маданият йўлида ўз ўринларини русларга бўшатиб берадилар».¹ Нотик компромисга - келишишга ҳам тайёр ва русларга мутаносиб (пропорционал) микдорда ўрин бериш ўрнига барча ўринларнинг учдан бир қисмини беришга тайёр эди. «Руслар сиқувдан хавотир олмасалар ҳам бўлади, мусулмонлар орасида Бухорода - 1200 йилдан буён бойиб ва ривожланиб яхудийлар яшаб келмоқдалар. Маданият ва қўшиқларга эга бўлган европаликлар эса бирон нарсадан хавотирга тушмасалар ҳам бўлади, аммо мусулмонлар ҳуқуқининг қисқариб қамайини демократик тамойилларга зид келган бўлур эди», - дейди Бехбудий². Бу материал кўп нарсалар ҳақида ўй-фикрларга олиб келади, чунончи, биринчидан «Туркестанские ведомости»да Бехбудийнинг чиқиши бошқача бир тарзда берилган. Юқорида келтирганимиздек, унинг икки ибораси Туркистон ўлкаси ижроия қўмиталари курултойи баённомасидан жой олмаган. Газетада ёзилишича, Бехбудий, ўшанда мусулмонлар келишувга тайёр ва русларга учдан бир эмас, балки барча ўринларни бериши ҳақида гапирган, дейилади³. Бундай бўлиши мумкин эмас эди. Маллицкий хавотирланиб, ўринларни мутаносиб тарзда бўлиш принципи русларга умуман биронта ҳам жой қолдирмаслигига қўзи етди, чунки руслар маҳаллий аҳоли билан солиштириганда, озчиликни ташкил этардилар. Шундан келиб чиқиб, Бехбудий компромисс - келишув сўзи остида русларга қўпроқ ўринлар, яъни уларга учдан бир қисми берилишини кўзда тутган эди. Бехбудийнинг бу чиқишидаги айрим сўзлар газетада: «Бўлинишга уриниш бўлиши мумкин эмас, зеро мусулмонларнинг ўзлари ҳуқуқларини тенглаштиришга ҳаракат қиладилар» - деб ўзгартириб берилган. Холбуки, курултой баённомасида бу сўзлар кучлироқ оҳангда айтилган эди: «Агар бунга руслар кўнмасалар, унда умумий масалалар бўйича келишув комис-

¹ Протоколы съезда делегатов Исполнительных Комитетов Туркестанского края. 9-16 апреля. 1917. Ташкент: Типография «Туркестанских ведомостей». 1917. с-29.

² Протоколы съезда делегатов Исполнительных Комитетов Туркестанского края. 9-16 апреля. 1917. Ташкент: Типография «Туркестанских ведомостей». 1917. с-29.

³ Туркестанские ведомости. 1917. 26 апреля.

сиясини ташкил этиб, мусулмонлар ажралиб кетишларига тўғри келади».¹

Демак, Туркистон мухторияти ташкил бўлгунга қадар, Бехбудий, агар муваффақиятсизликка учраса ва Туркистонда сиёсий кучлар ноўрин жойлашса, у ҳолда ўз миллий давлат тузилмасини ташкил қилиш имконияти пайдо бўлишини кўзда тутди. Бехбудий ва Аҳмад Заки Валидий давлатни бошқариш иши маълумоти йўқ (бу ерда маҳаллий халқлар вакиллари кўзда тутиляпти - Д.А., Р.Д.) кишилар қўлига тушиб қолишдан хавотирланган кадетларни танқид остига олиб, улар Хиндистон мустамлака бошқаруви тажрибасига тез-тез муурожаат қилишга ўрганганликларига ишора қилиб: «Хиндистонга мустамлака бошқаруви оид қалин китобларни таржима қилдингизларки, ўшандай бошқарув тизимидан бу ерда фойдаланиш учун, ундан кўра, ҳукмрон ва тобе миллатларнинг қандай қилиб бир хил сайлов ҳуқуқига эга бўлишлари ва тенглик шароитида яшашлари мумкинлиги ҳақида китоблар таржима қилиб чиқарилса, айни муддао бўлур эди ва бундай китобларни ҳам рус ва ҳам туркий тилларда нашр этиш даркор», - деб айтдилар. Бехбудийнинг бу нутқида бир қизик ажабланоли жихати бор, у ҳам бўлса, «катта оға» иборасининг қўлланиши. Чунончи, «катта оға» ибораси «катта оға» юргизаётган мустамлакачилик сиёсатини (ғазабкорона коралаб) танқид қилаётган Бехбудий тилидан чиқиши қизик ҳол эди. Лекин бу ерда ҳолис бўлишимиз керак. Бехбудий рус маданияти олдида тиз чўқар эди. Ўша йиллари Туркистонга нисбатан, Россияда фан, санъат ва адабиёт соҳалари тараққий этиб бораётган эди. Циолковский, Докучаев, Вернадский ва Менделеев, Пирогов, Миклухо-Маклай, Толстой, Достоевский, Чайковский, Рахманинов ва кўплаб улкан олим, адиб, мусикачилар, театр ва музейларнинг ривожланиб бориши ва ҳоказоларнинг барчаси Бехбудийни хайратга солмаслиги мумкин эмас эди ва шу асосда юқоридаги «катта оға» иборасини қўллагандир ҳам. Бехбудий жадидлар орасида катта обрўга эга эди. Унинг ишонтира билиш хислати сафдошларига гумон-шубҳа ва қийинчиликларни енгиб ўтишда ёрдам берар эди. Бехбудий, Валидийнинг гувоҳлик беришича, жадид-

¹ Протоколы съезда Исполнительных Комитетов Туркестанского края.

чиликнинг кенг миллий ҳаракатга айланишига ишонар эди. Хаттоки, Мунавваркори, баъзан гумонлари устун келган вақтларида ҳам, Заки Валидий гувоҳлигида, Махмудхўжа Бехбудий сўзларига кулоқ тутар эди. Унинг ўринли танкиди шарофати билан қуруттойла шаҳар ўз-ўзини бошқарувининг икки шаклига сайловлар ўтказиш ҳақидаги хавфли фикр-таклиф инкор этилди, яъни Туркистонда руслар учун алоҳида, маҳаллийлар учун алоҳида бошқарув тизими инкор қилиниб, ҳамма учун ягона ўз-ўзини бошқарув тизими таклиф этилди. Бехбудий фаслетида миллий манфаатлар устувор аҳамиятга эга бўлишига қарамий, унинг ўзи миллий ҳаракат гоёси тарафдори ва барча сиёсий кучларнинг бирлашуви тарафдори эди. Шу билан бирга Аҳмад Заки Валидийнинг гувоҳлик беришича, Бехбудий большевикларга ёт кўз билан қараб келган ва уларга инебаган ёмон муносабатда бўлган. Зеро: «Мунавваркори, Бехбудий ва Бухоро жалидлари кадетларга қарши қандай чиқинган бўлса, социализмга ҳам шундай қарши бўлганлар»¹, - деган сўзлар юқоридаги фикрни тўла қўллаб-қувватлайди. Чунинчи, Бехбудий ўша пайтда мавжуд бўлган барча фиркаларни жуда яхши билар эди. 1906 йили у ўзининг махсус мақоласига тўртта фиркага, жумладан, большевиклар фиркасига ҳам беҳо бериб ўтган эди.² Мақола номи араб маколли «Хайр ул-умур и авсатухо»дан олинди, «Хамма нарса-нинг ўрта миданаси дуруст», деган маънони берар эди. Биринчи партияни у «буйрукратия-мустабид», яъни эски монархия тузуми тарафдорларидан иборат партия деб атайди. Агар бу тузум, Бехбудийнинг фикрича, Туркистоннинг эркин тараққиёти учун, умуман, номақбул бўлса, унда «иштирокиюн авомия маънага муштарак фиркаси» - социал-демократик партияси дастурини нафақат номақбул, балки ўта зарарли деб ҳисоблайди: «Хар ҳолда бу партиянинг муроди мумкин лойиқан ёники ҳаётийдек кўрунуб, бу тоифага қўшилмок бу мусулмонлар учун ниҳоятда зарарлидур. Пруграммаларни молия модалларини бир оз тағйир бермагунча шариатта мувофиқ ўлмагани каби жоний ва оила бобидаги фикрлари ҳам асло тўғри келмайдур».³ Бехбудийнинг бу муносабати совет

¹ Заки Валидий Тетов. Воспоминания. Уфа. Китап. 1994. с-176.

² Бехбудий М. Хайр ул-умур и авсатухо // Хурийд. 1906. 11 октябрь.

³ Ўша ерда

тадқиқотчилари томонидан унинг социализм ғояларини тушуниб етмаслиги, марксизмни билмаслиги, хатоси сифатида баҳоланиб келди. Бироқ «Хайр ул-умури авсатуҳо» мақола-ласини аслиятида ўқиб, Бехбудийнинг ўз позицияси соҳиби бўлиб туриб, социал-демократик фирка ва унинг дастурига салбий баҳо берганлигига бизда шубҳа қолмади. Кадетлар партиясини «кадет авомия маишат машрута» фиркасини хуш кўрган Бехбудий сал кейинроқ - апрель ойида Туркистон ўлкаси Ижроия қўмитаси ноиблари курултойида бу партия аъзолари билан тўқнаш келиб, баъзи хатти-ҳаракатларидан норизо бўлиб, кўнгли қолган ва кадетларнинг позициясини қаттиқ танқид қилган эди. М.Бехбудий тўртинчи партиyani - «русия мусулмонлари иттифоқи»ни таърифлар экан, унинг слесий дастури кадетларникига ўхшашлигини таъкидлади. Шу билан бирга, бу партия мусулмонларни диний, иқтисодий, мафкуравий жиҳатларидан бирлаштирар эди. Бехбудий, бу ҳаракатда Туркистон, Бухоро, Хиванинг ҳар бир вилоятдан мусулмон вакилларида кам деганда 30 та одам қатнашиши ва Туркистон равнақи йўлида хизмат килувчи қўмита тузилиши лозим, деб ҳисобларди.¹ Шундай қилиб, у Туркистон учун энг мақбул партиyani танлар экан, ўз нуқтаи назарини мувозанатли объектив деб баҳолайди. Ўзининг енгил ва жонли тилда ёзилган фельетони билан ўқувчиларга тўрт партиядан ҳар бирининг мақсади ва вазифаларини тушунтиришга ҳаракат қилади. Бироқ Бехбудий асарини фельетон ҳисоблаган бўлса ҳам, биз уни таҳлилий мақола сифатида баҳолаймиз, чунки бу ерда маърифатпарварнинг муносабатлари, тушунчалари ва ҳулосалари мавжуд.

«Ойна» журнали Бехбудий кайноқ фаолиятини кўрсатадиган ва ғояларини илгари сурган ёркин ёдгорлик ҳисобланади. Журналнинг биринчи сони 1913 йил 20 августда, охириги 68-сони эса 1915 йил 15 июнда чиқди. Умуман олганда жами 1720 саҳифадан иборат.² Журнал ҳар ҳафта чиқар, журналнинг сони 24 саҳифани ташкил этарди. 47-сондан журнал саҳифаларидан фотоиллюстрациялар ҳам жой ола бошлади. Бу фотоиллюстрациялар кўпинча Самарқанднинг архи-

¹ Бехбудий М. Хайр ул-умури авсатуҳо // Хурийд. 1906. 11 октябрь.

² Ўзбекистон миллий кутубхонасида 52-сон сақланган.

тектура ёлгорлиги ва М. Бехбудий саёхати пайтида тўхтаб ўтган жойлари хакида хикоя қилар ҳамда Исмоил Гаспринскийнинг бир неча сурати ҳам босилиб чиққан эди. Журналнинг ташки кўриниши ҳам ўзгача бўлиб, қулай бичим ва ўқиш учун араб ёзувининг бежирим, чиройли шрифтига ҳам эга эди. Журналнинг кўркем муқоваси ва охириги саҳифалари рус тилидаги реклама ва баъзи бир маълумотлар учун мўлжалланган эди. Журнал номи муқовада тўрт тилда: ўзбек, тожик, араб ва рус тилларида - «Ойна»-«Кўзгу»-«Миръот»-«Зеркало» номи остида чиққан.

Хўш, «Ойна» нимани англатади? Махмудхўжа Бехбудий жавоб беради: «Ойна... Унда одам назар ташласа ўзини кўради ва қиёфасининг қандайлигидан огоҳ бўлади. Қизил, сариқ, қора ё оқ бўлса, бу омиллар таъсирида унинг моддий ва маънавий ҳолатининг ҳосили бўлган... киши иложини қидира бошлайди... Одамзотнинг ойнаси одамдир... Боз устига, одамзотнинг ойнаси бошқа одамдир. Дўстлар бир-бирининг ойнаси ва фақат одамзотга ойна яшаш ва яратиш маҳорати берилгандир».¹ «Ойна» журналига бағишланган ва унда босиб чиқарилган кўконтлик Махмудхожи Ризоизоданинг шеърларида инсонлар учун журналнинг аҳамияти қуйидагича тавсифланади:

«Эй ойнаи жаҳоннамосен,
Раҳсизларга турфа раҳнамосен.
Хар илму фунундан айлабон баҳс
Кўнгуллара мабҳаси зиёсен
Равшан ила кўзга тутса олам
Омиллара яъни тўтиёсен.
Миръоти Сикандар ул-лузумсен,
Арбоби камола муддаосен».²

«Ойна» ни нашр қилишда Бехбудий ўз устозлари тажрибасига суянди. Маълумки, Гаспринский ҳам «Таржимон» газе-

¹ Бехбудий М. Ойна чист? «Ойна». 1913 № 1, 25-б. Асл матн тожикча. " Ойна... бар вай инсон назар афканад. худро мебинад ва аз чи гунагии ҳолат ва қиёфе ва вачхе, ки иборат аз сурхи ва зардй ва сиёҳй ва сафедй аст, ва ҳосил шудаи аз таъсироти модди ва маънави аст, воқиф ва огоҳ мешавад. Ва пас ба илож меқўшад. Ойнаи одам одаме аст. Дўстони ойнаи яқдигаранд. Ва яке аз хоси инсон ойнасозиет».

² «Ойна» 1913. №25. 405-б.

тасини нашр қилишга қадар «Миръоти жаҳид», яъни «Янги Ойна» номи остида варақалар чиқариб юрган эди, қори Абдурашид Иброҳимов эса 1902-1909 йиллари Озарбайжонда «Миръат-Кўзгу» номили ислохий-диний мазмун касб этувчи қалин журнал чиқарган, 1910 йили шу ном билан бадиий журнал чиқар эди. «Ойна»нинг тўрт тилда номланиши чет тилларини билиш ва эгаллаш зарурлигини доимо таъкидлаб келган Бехбудийнинг тил бўйича қарашлари далилидир. У чет тилларини билиш, таълим олиш, фан ва маданият ривожини ва бутун тараққиёт учун муҳимлигини қайта-қайта таъкидларди. Бинобарин, журналнинг дастлабки сонидаяқ, «Икки эмас, тўрт тил лозим»¹ номили мақоласи босилгани тасодифий эмас.

Аҳамият жиҳатидан «Туркистон» мақоласи билан бир даражада турувчи «Ойна недур?» («Ойна чист?») мақоласи тожик тилида эълон этилган. М.Бехбудий қатор маърифатчилик руҳидаги фундаментал мақолалари, А.Фитрат, Мирзозода, Ҳожи Муин асарлари, бошқа газета ва ойнома-ларда чоп этилган мақола ва асарлар чет эл ва ўлканинг турли бурчакларидан келган маълумотлар журналнинг ҳар бир сонидаяқ тожик тилида чоп этилиб турди. Бунга Бехбудийнинг «Жуғрофия чист?»², А.Фитратнинг «Ҳаёт ва гоёя ҳаёт», «Манфаат» мақолаларини мисол келтириш мумкин.³ Мирзозоданинг «Илм ва тараққиёт»⁴, Ҳожи Муиннинг «Жавоб ба масъалаи мактаб»⁵, «Дар дунё чи қадар ҳалқанд?»⁶ мақолалари чоп этилди.

Ҳиндистонда таълим олган туркистонлик талабаларнинг мактуби бу ерда жуда ўринли бўлиб, улар «Вакт» нашрининг муҳаррири Фотих Карим ва «Ойна» журналининг муҳаррири Маҳмудхўжа Бехбудийга юборилган газета ва журналлар учун миннатдорчилик билдиради: «Туркий тилини ўзлаштирамаган Бухоро ва унинг ён атрофларидан келган талабалар ўз ватан-

¹ Ойна, 1913. № 1, 3-6.

² Ойна, 1913. № 2, 20-6.

³ А.Фитрат мақолалари журналда асосан 1913 й. 4, 6, 8 сонларида чиққан.

⁴ Ойна, 1914, №17, 313-6.

⁵ Ойна, 1913, №7, 182-6.

⁶ Ойна, 1913, №4, 98-6

ларидан форс тилидаги маълумотларга эҳтиёжлари катта».¹

Баъзи бир тадқиқотчилар «Ойна» журнали бир йилдан сўнг таъкикланган деб ҳисоблашади. Бироқ журналнинг 49-сонидак таҳририят ўз ўқувчиларига молиявий қийинчиликлар туфайли ва обуначилар сонининг қисқариши муносабати билан ўз фаолиятини тўхтатишни билдирган эди. Г.Андреев билан қилган суҳбатида Бехбудий буни тан олиб: «Ўтган йили 300 та обуначи бўлган бўлса, иккинчи йил бошида эса обуначиларнинг сони 200 тага тушиб қолди. Улардан 100 дан ортиги Фарғонага тўғри келса, бизнинг Самарқанд вилоятига тахминан деярли 50 таси тўғри келади. Шундай қилиб, дастлабки даврларда мен зиён кўришимга тўғри келди»², - деган эди.

Журналга зарур бўлган ходимларнинг топилмаганлиги, маблағларни тежаш билан боғлиқ сабабларга кўра, журнални нашр қилиш тобора қийинлашган эди. «Амалда фақат менинг ўзим журналда ишлаяпман» - деб шикоятомуз гапирган эди Бехбудий.³ Бундан ташқари, балки хаддан зиёд толиққанлиги ва соғлигига путур етганлиги сабабли ҳам у журнал чиқаришдан воз кечишга мажбур бўлгандир. Журналда Бехбудийнинг «невру асаб ва меъда хасталиги» билан оғригани қайд этилади. Табиийки, бу улкан аклий меҳнат натижасида асабий толиққанлигидан келиб чиққан бўлиши керак. У билан суҳбатлашган Г.Андреев ҳам унинг юз-кўзлари, хаста нигоҳларига эътибор берган эди. Бехбудийни журнални ёпишга мажбур қилган сабаблардан яна бири цензуранинг хаддан зиёд эътирози ва муаллиф сўзлари билан айтганда, «харбий сенсор»нинг журнал ишларига доимий аралашуви эди. Журналнинг сўнги сонларидан бирида Бехбудий таҳририяти берган эълонида журналнинг кечикиб нашр этилиши цензура туфайли эканлигини тушунтирган эди.⁴ Қисқагина муддат нашр этилган бўлса-да, «Ойна» кўп мақсадларига эришиб улгурди. Бехбудий илғор гояларини жамият орасида ёйишга эришди. Агар у ўз фаолиятининг илк даврида якка бўлган

¹ Ойна, 1914, №51, 1225-6.

² Андреев Г. Самарқандский журнал «Ойна» и его редактор-издатель Махмуд-ходжи Бегбуди // Туркестанские ведомости. 1915. 17 сентябрь.

³ Ўша ерда.

⁴ Ойна, 1914, №49, 1165-6.

бўлса, 1913 йилга келиб, Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Фарғона, Тошкент ва Туркистон ўлкасининг бошқа шаҳарларидаги жадид ўқитувчилари, ўқувчи-талабаларнинг ота-оналари, илгор кишилар, Туркия, Хиндистон, Россия, Араб мамлакатлари зиёлилари томонидан қўллаб-қувватланишига эришди, унга китоблар, нашрлар билан ёрдам берилди. Бу 39 ёшли Бехбудий учун кучли манба бўлдики, катта саъй-харакатлар билан журнални чиқара олди. «Ойна» мундарижаларини ўрганар эканмиз, Г.Андреевнинг Бехбудий журнални юмористик характерда, енгил сатира руҳида чиқаргани хақидаги сўзларини қайта таҳлил қилиб кўрдик. Лекин юмористик эмас, балки сатирик ва публицистик руҳда ёзилган кўплаб мақолалар ҳам муҳим муаммолар қўтарилганининг шохиди бўлди. Шу билан бирга, Г.Андреевнинг хотирлашича, Бехбудийнинг қуйидаги сўзлари кўп нарсани, хусусан, унинг тактикасини ойдинлаштиради: «Журналдаги қарашларнинг моҳияти ўз фаолиятини тўхтатган «Самарқанд» газетаси қарашларининг моҳияти билан деярли бир хил. Лекин ёруғликка чиқишнинг ўзга бир йўлини танладим. Фош этиш йўлидан, сатира ва юмор йўлига ўтдим. Зеро, енгил захархандали кулги билан кўп нарсага эришса бўлади».¹ Журналнинг машхур ва маълум бўлганлигини бу ерга жўнатишга хат ва телеграммалар исботлаб турибди. Хатларда ҳаётнинг барча огир-енгил, паст-баланд томонлари хақида сўз юритилар эди. Масалан, 1914 йил 14 апрелида чиққан «Ойна»нинг 51-сонида Қозондаги россиялик мусулмонлар, Бухоро фуқаролари, Хиндистон университетидан таҳсил олаётган талабаларнинг хатлари эълон этилган. Бу ҳол журналнинг жуда кенг тарқалганини ва маълумлигини яна бир бор тасдиқлайди. Таҳририятга келиб тушган хатларда журнал нашрини яна давом эттириш зарурлиги изҳор этилган эди. Демак, у замондошларининг маънавий ҳаётида катта ўрин эгаллаб турар эди. Журнал мавзуси ранг-баранг: иқтисодиёт, сиёсат, фан, маданият масалаларига кенг ўрин берилган. Биринчи сонининг дастлабки мақоласи «Туркистон» деб аталиб, у Бехбудий қаламига мансуб эди. Ҳозирги замон тарихшунос ва тилшунослари учун муаллиф-

¹ Андреев Г. Самарқандский журнал «Ойна» и его редактор-издатель Махмуд-ходжи Бегбуди // Туркестанские ведомости. 1915. 17 сентябрь.

нинг Осиёи Вусто (Ўрта Осиё) ва Турон Заминнинг қадимги жугрофий чегаралари бўйича мулоҳаза ва тушунчалари кизиқиш уйғотиши турган гап. Мақолада Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий тузилмаси тавсифланиб, вилоятлар, уездлар номлари берилиб, 1902 йилги аҳоли рўйхати маълумотлари ҳам келтирилган. Журналда чоп этилган мақолалар мавзуси ва руҳи бўйича илмий-оммабоп «Жугрофия чист?», «Улугбек расадхонаси», «Ер», «Қуёш», «Тарих ва жугрофия» мақолалари ва адабий чиқишларга бўлинган. Адабий мақолаларда ўқувчини бошқа халқлар сўз санъати билан таништириш (бу кўпроқ татар матбуот нашрларида эълон этилган адабий материаллар эди) мақсади қўйилган эди. Журнал жамиятнинг маданий ва ижтимоий ҳаётида рўй бераётган янги жараёнларни кенг ёритиб борди. Булар жумласига «Андижонда янги банк», «Самарқандда электр трамвай», «Бухоро темир йўли» мақолалари кирди, очилган кинотеатрлар, янги кутубхона ва кироатхоналар ҳақидаги хабарлар ҳам бор. Бехбудий қаламига мансуб мақолалар орасида ижтимоий фанлар бўйича илмий мақолалар алоҳида ўрин тутди.

Хорижий мамлакатлардан таҳририятга келиб турган корреспонденциялар, хатлар, маълумот ва хабарлар Япониядан то Америкагача бўлган мамлакатлардан юборилар эди. Булардан ташқари, «Ойна» доимий равишда ўз ўқувчиларини Хиндистон, Хитой, Россия, Индонезия мусулмонлари ҳаётидан ҳам хабардор қилиб турар эди. «Ойна»да чоп этиладиган хабарлар ўртасида Бехбудийнинг сеvimли шоири - Умар Хайём рубоийлари берилиб турарди.

Жадидларнинг мўътабар устози Исмоил Гаспринскийга бағишланган мақолалар журналнинг энг гўзал саҳифаларидан эди. Бехбудийнинг ўзи уни «Ҳазрат» деб атаар, унга нисбатан ҳурмат-эътибори пихоятда баланд эди.

«Ойна» журнали, умуман, Бехбудийнинг бутун умри ўз халқини уйғотиш ва таракқиётга хизмат қилиш мақсадларига бағишланган эди. Ҳар томонлама у ўз халқини маърифатга бошлади. Бехбудий учун маърифат ва таракқиётнинг қўл урмаган соҳаси қолмаган ҳисоб. Бу ҳақда «Ойна» мундарижаси, муаллифнинг китоб ҳамда мақолалари гувоҳлик бериб турибди. Туркистон ҳаётида ғайри ҳолат сифатида унинг «Китобат ул-атфол» номи асарни пайдо бўлди, бу китоб ўзбек ва тожик

тилларида зарур ахлокий таълим-тарбия асосларига бағишланган эди.¹ Китоб мазмуни ҳаётнинг эҳтиёжлари тақозоси билан ва асосан, жадидларнинг маҳаллий кадрларини бошқарув ишларига фаолроқ тортишга бўлган ҳаракатлари ва иш юритишнинг фаоллашуви туфайли белгиланган эди. Шу билан бирга, бу китоб болаларни шахсий ва давлат ишларини юритишга ўргатар эди. Бу ерда муаллиф «Хайр ул-умури авсатуҳо» - «Хар бир ишнинг ўрта миёнаси яхшидур», - деб кишиларни воқеа-ҳодисаларга ва одамларга баҳо беришда ҳолисликка, босикликка, чуқур мулоҳаза юритишликка чақиради.² Яъни Бехбудий ўз ўқувчиларини хат ёзиш, мактуб битиш, имлога эътибор бериш, сўзларни беҳато қўллаш санъатини эгаллашга даъват этади ва нафақат лингвистик, балки маънавий билимлар ҳам беради. Бу ерда у яна тил масаласига қайтади. Иш юзасидан ёзиладиган хатлар хорижий исмлар, жойлар номларисиз бўлмаслиги ва бунда хатни тўғри, беҳато ва мазмунли қилиб ёзиш учун тилларни эгаллаш лозимлигини уқтиради. «Китобат ул-атфол» Бехбудийнинг маданият сабоқларида ҳам Ғарбий Европа ва ҳам Шарқий маданият асослари уйғунлашиб кетганлигининг инъикосидир. Бундай икки маданият асосларининг уйғунлиги унинг «Хифзи сихати оила» («Оила соғлигини муҳофаза қилиш») мақоласида (биз ўқувчиларнинг диққатини Бехбудийнинг тиббиёт маърифати мавзусига ҳам тез-тез мурожаат этиб турганлигига қаратамиз) намоён бўлади. Инсон учун, энг аввало, зарур бўладиган билим бу «илми бадан ва хифзи сихатдур»³ деб ёзади у. Авваламбор, Қуръони карим ва ҳадисларга ҳамда Голландия ва Франция олимларининг статистик тадқиқотлари натижаларига суянган ҳолда Бехбудий эрта оила қуриш ва эрта никоҳга киришнинг зарари ва оила қурмасдан ҳам юришнинг, кўп хотинликнинг зарарлари ҳамда жинсий тарбия асослари ҳақида фикр юритади. Бундай мақолалар ўша вақтларда миллий журналистикамизда камдан-кам учрар эди. Бу ҳақда фақат кенг дунёқарашга эга ва чуқур мулоҳаза юритадиган юқори маданият эгаси бўлган кишиларгина ёзиши мумкин эди. Умуман, Бехбудийнинг

¹ Бехбудий М. «Китобат ул-атфол» Самарқанд. 1914. Типография. Т-во. «Б.А.Газаров». 30-б.

² Кўрсатилган асар. 5-б.

³ Бехбудий М. Хифзи сихати оила // Ойна, 1914. №48.50 1148.1171-6.

карашлари, ўй-фикрлари кенг ва ранг-баранг бўлиб, кўплари ёш авлодга қаратилган эди. «Бизга ислох керак» (Нажот» газетаси, 1917 йил, 7 ноябрь), «Хак олинур берилмас» («Хуррият», 1917 йил, 13 июль), «Ёшларга мурожаат» («Ойна», 1914 йил, 2-сон), «Самарқандда миллий ишлар хакинда» («Хуррият», 1917 йил, 23 июль), «Тахсил оий» («Самарқанд», 1913 йил, 3 сентябрь) ва бошқа мақолаларида унинг абадиётчи ва сиёсатчи қобилияти билан бирга ўқитувчи ва тарбиячи маҳорати ҳам намоён бўлади. Бу нарсалар Бехбудийнинг фарзандларида ўз аксини топган бўлиб, уларга чет тилларини ўргатиш билан бирга яхши таълим-тарбия ҳам берган эди. Билим олиш учун ҳеч нарса тўсик бўлмадлиги керак, деб ёзган эди Бехбудий. Ўша пайтларда одамлар тўй қиламан деб бор-будини сотар, ўзи, оиласи абгор бўлиб, иктисодий ночор аҳволга тушиб қолар эди. Бехбудий халқни эскириб, керак бўлмай қолган баъзи бир урф-одатлардан воз кечишга чақирди ва одамларга бор-йўгингизни, мол-мулкингизни сотадиган бўлсангиз, бу пулларни ўғилларингизни Европада ўқитишга сарф қилингиз, деб айтган эди.¹ Бундан ташқари, у динга чуқур эътиқод қўйган киши бўлиб, С.Айний сўзига кўра, бу эътиқод инсон илмига хизмат қилиши керак, деб хисобларди. С.Айний ёзадики: «Хожа Баҳоуддин турбати атрофида солинган масжидларни кўриб, у кўп қизди. Намоз учун бир ерда бир масжид ва бир супҳа кифоя қилар эди. Бошқа масжидлар ўрнига мактаб солиниб, бунда йирилган факир йўқсинларнинг болаларини ўқитсалар эди. шунча сафил кимсалар ўрнига ўз кунини кўратургон бир тўда фаол одамлар етишар эди»² - деди.

Замондошларининг гувоҳлик беришича, Бехбудийнинг чоп этилмаган асарлари жуда кўп, жумладан вафотидан ярим йил олдин ёзиб тугаллаган каттагина - 200 босма табоқ хажмдаги мерос ҳуқуқига оид асар, форс ва турк муаллифлари асарлари асосида тузилган астрономия бўйича дарслик, аёллар масаласига оид мақолалар бор эди.³

¹ Бехбудий М. Ёшларга мурожаат. // Ойна. 1914. №21, 10 март, 290-б.

² Айний С. Бехбудий ҳазратлари тўғрисида хотираларим // Зарафшон 1922 й. №32, 25 март.

³ М.Ф.Махмуд-ходжа Бегбуди. Материалы к биографии. // Наука и просвещение. 1922. №1. Август-сентябрь.

Хазрат Бехбудий серкирра қобилиятининг гуллаб яшнаган пайтда халок бўлди. У эндигина 45 ёшга тўлган, катта ҳаётий тажриба тўплаган навқирон инсон эди. Ўлимидан сал олдинроқ у сиёсатдан узоклашди. Нима учун? Маълумки, охириги йиллари у Халқ Маорифи Комиссариати Самарқанд бўлимида ишлар эди. Хўш, 1918 йилдан кейин унинг позиция ва қарашлари қандай эди? Бу ҳозирча номаълумлигича қолмоқда. Бу йиллари у сукут сақлар, ўз куч-ғайратини таълим тизимини ташкил этишга сарф қилиб, жамиятга кўпроқ фойда келтириш йўлида меҳнат қиларди. Унинг ҳаёт йўли дамларини бир хилда баҳолаш унчалик тўғри бўлмас. Маълумки, у большевизмга нисбатан салбий муносабатда бўлиб, унинг мағлуб бўлиб, тор-мор келтирилишини ич-ичдан истаган ва Туркистон мухториятининг йўқ қилиб ташланганидан қаттиқ ташвишга тушган ва бу ҳақда оташин мақола битган эди.¹ Лекин большевик ҳукумати унинг халқ орасидаги обрўсини юкори даражадалигини тушунган ҳолда уни «ўзиники» қилиб кўрсатмоқчи бўлди. 1922 йилдаёқ «Наука и просвещение» журнали Бехбудийни «Туркистон мухторияти» душмани сифатида кўрсатишга уринди. Мақола муаллифи асосиз равишда Бехбудийни янги республика ҳукумати аъзоси бўлиб туриб большевиклар билан коалицияда ишлаган деб, «миллатчиларнинг» душмани сифатида кўрсатмоқчи эди.² Аммо айнан Қўқон воқеалари уни сиёсатдан четлашга мажбур этди. 1919 йилда у навбатдаги ҳаж сафарига отланмоқчи эди. 1919 йил февралда Тошкентга бориб келгач, Самарқандда ўқитувчиларни чақириб, Тошкентдаги таълим аҳволи ва янги мактаб дастури билан уларни таништирмоқчи бўлади. Лекин унинг ўзи мажлисга кела олмайди. Тасодифан уни учратиб қолган С.Айнийнинг «Қачон бу мажлис бўлиб ўтади?» - деган саволига у: «Хозир бироз хастаман, кайфим ва фурсатим бўлса хабар берарман»³, - деб жавоб қайтарди. Бехбудий ўта масъулиятли инсон бўлган ва фақат жиддий сабабларгина унинг

¹ Бехбудий М. Туркистон мухторияти // Хуррият. 1917 й. №19, 12 декабрь.

² М.Ф.Махмуд-ходжа Бегбуди // Наука и просвещение. 1922. №1 август-сентябрь.

³ С.Айний Бехбудий хазратлари тўғрисида хотираларим // Зарафшон. 1922. 32-б. 25 март.

режаларига халал бериши мумкин эди, чунончи, агар у ростдан ҳам, бетоб бўлса, қандай қилиб ҳажга бориши мумкин эди? С.Айнийнинг сўзларига қараганда, у улар учрашганларидан 2-3 кун кейин ҳаж сафарига отланган. 1919 йил 25 мартда у Бухоро амирлиги чегарасини босиб ўтган ва Шаҳрисабзга келган. Шу ерда уни амир одамлари ушлаб олиб, Қаршига жўнатишади ва бу ерда уни ўлдирдилар. Махмудхўжа Бехбудий ижодини тадқиқ қилган олим Б.Қосимов 3.Валидийнинг «Бугунги турк эли ва яқин тарихи» китобида келтирилган далилларга асосланиб, ҳазрат Бехбудийда Туркистон мусулмонлари советидан Каспий орти вилоятида юрган инглизлар билан музокаралар олиб бориши тўғрисида олган топшириги бўлган. Инглизлар билан у большевикларга қарши шартнома тузиш учун йўлга чиққан,¹ - деган фикр билдирилади. Туркиялик тадқиқотчи Иброҳим Ёркин юқоридаги манбага асосланиб, 20 йил олдин Бехбудий «босмачилик» ҳаракатидан мадад олиш мақсадида кетган эди, деб хулоса ясаган.² Унинг ўлимини большевиклар билан боғлаб кўрсатадиган бирон-бир далил, факт ёки ҳужжат йўқлиги учун ҳам, унинг ўлимига оид турли-туман гумонлар, шубҳали фикрлар мавжуд. «Самарқанд» газетасида ва кейинчалик «Ойна» журналинда Бухоро амирлиги қаттиқ танқид остига олинган эди. Газета ва журналда Тошкент, Кўкон, Фарғона бошқа катта ва кичик шаҳарларда ҳам рўй бераётган воқеа-ҳодисалар доимий тарзда ёритиб бориларди. Бунда Бухоро амирлигидаги воқеалар алоҳида ўрин эгалларди. «Лузуми мактаб дар Бухоро» («Самарқанд», 1913 йил, 26 июль, 26-сон), «Бухорода тўйлар» («Ойна», 1913 йил, 5-сон), «Бухорода муҳим қарор» («Ойна», 1913 йил, 10-сон), «Бухоронинг Шерободидан мактуб» («Ойна», 1914 йил, 17-сон), «Бухорони истиқболи қоронғу» («Ойна», 1914 йил, 40-сон), «Бухородан қаро хабарлар» («Ойна», 1914 йил, 39-сон) мақолалари Бухорога бағишланган бўлиб, у ерда жуда мураккаб ва қийин иқтисодий, ижтимоий-

¹ Қосимов Б. Бехбудийнинг қабри қаерда? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1994. 30 сентябрь. Шу муаллиф истиқлол фидойилари. Маслақдонлар. Тошкент. 1994. 3-6.

² Ibrahim Yarkin. Mahmud Hoca Behbudi // Nur Turkistan için istikbala gazete. 15 ocak. 1975.

маиший муаммолар, аҳолининг оғир ахволи, таълим-тарбия ва маорифнинг инкирозли ҳолати ва албатта амир ва унинг ҳукумати тилга олиниб, аёвсиз танкид қилинар эди. Бундан ташқари, Иброҳим Ёрқиннинг кўрсатишича, Бухорода муфтий унвонини олиш учун ҳазрат Бехбудий маълум бир маърифатчилик ишларини ҳам амалга оширган эди. Аҳмад Донишнинг издоши бўлган М.Бехбудий унинг Бухорода маорифни ислоҳ қилиш ғоясини ривожлантирган ва ташвиқот этган эди. Бу билан у ўзининг атрофига фикрдошларини йиғиб, улар билан 1910 йилда «Бухорои нашри маориф» тўпламини чоп этган. Унинг Бухоро амири ва ҳукмдорларини танкид этиши эътиборсиз қолмаган ва бу ерларда тазйиқ остида 1910 йили чиқиб кетишга мажбур бўлган. Юқорида айтганимиздек, Бухорони танкид этиш «Ойна» журналида ҳам давом этди. Бу ҳолатларнинг барчаси уни таъқиб қилиш ва амир аскарлари томонидан ҳибсга олинишига сабаб бўлган эди. Б.Қосимовнинг фикрича, амир Бехбудийни ўзининг шахсий ғаними деб билар эди. Бехбудий кимлар томонидан ўлдирилган - амир тарафдорларими ёки большевиклар томониданми?» - деган саволни бир хилда, бир ёклама кўндаланг қўйиш нотўғри бўлар эди. Бу ерда Бехбудийнинг бутун ҳаётини чуқур тадқиқ этиш, айниқса, ҳаётининг сўнгги йиллари, Туркистон мухториятининг эълон этилишидан ўлимига қадар бўлган даврни ҳар томонлама ўрганиш керак. Ўн йилдан ортиқ М.Бехбудий номи расмий тарзда халқ қаҳрамони сифатида тилга олинди. Қарши шаҳри, Тошкент, Самарқанд кўчалари Бехбудий номи билан атаб келинди. Дўстлари унинг тўла асарларини чоп этишмоқчи бўлишди. Вафотидан сўнгги дастлабки йиллари у ҳақда анча мақола чикди. Аммо, жадидчилик тоталитар тузум домига тушиб, абгор бўлгандан сўнг Бехбудийнинг номи камроқ тилга олина бошлади ва аста-секин унутила борди, унга буржуа миллатчилик ҳаракати йўлбошчиси тамғасини ёпиштирдилар.

Бехбудий ҳазратлари ўз ишининг фидойиси эди. У жон бера туриб, ўлим талвасасида ўз халқига маънавий васият қолдиришга муваффақ бўлди. Ўз дўстларига маориф, маданият, фанни ривожлантириш ва тараққиётга хизмат этишни васият қилди.

У Туркистон тарихига кучли ва прогрессив ҳаракатни жа-

дидчилик деб номланувчи янги шабадани олиб кирган сиймо тимсолида гаудаланади. Бу харакатнинг собит кадам издошлари Махмудхўжа Бехбудий бошчилигида тарихни чукур ўрганиш, замонни ва воқеаликни хар томонлама хис қилиш орқали она-Ватан келажаги истикболини, унинг тараққиёти йўлини режалаштириб бера олдилар. Туркистонда хукм сурган қолоқлик ва эскиликни ўз вақтида кўра билган манба юксак ақлзаковат ва ватанпарварлик эди. Бугунги кунда Бехбудий ва сафдошларининг ҳаёти ва фаолияти, уларнинг бой мероси ва тақдирлари Олмония, Туркия, АҚШ, Япония, Марказий Осиё давлатлари ва албатта, Ватанимиз олимларининг илмий назари марказига тушгандир.

Бехбудий ўз васиятида: «Туркистон болаларини илмсиз кўйманглар. Сизларга васият қиламан! Ҳаммага озодлик йўлини кўрсатинглар!»- деган эди. Бугунги тадқиқотчилар авлоди халқимиз маърифати йўлида Бехбудий белгилаган чўққилар сари интилиб, она-Ватан саодатиға тинмай хизмат қилиши, истиклол туфайли ана шу боис маърифатпарвар бобомиз орзуларининг рўёбға чиқиши учун йўл очилганидан далолат беради.

Тарих ва жуғрофия

Қуръони каримда тарихий хабарлар ва ўтган қиссалар тўғрисида кўп ояти шариф бордур. Бир хил оятларда Оллоҳ Таоло тарафидан анбиёи аъзоми алайҳиссаломнинг қисса ва ахволи тарихия ва воқеаи қавмиялари баён бўлиб, яна машхур қавм ва халқ ва ҳатто машхур одамларнинг қисса ва ахволи тарихия ва воқеалари баён бўлгандур. Чунончи: ҳазрати Одам, Нўҳ, Юнус, Довуд, Иброҳим, Юсуф, Мусо, Исо, Шуайб алайҳиссалом ва бошқа пайғамбарларнинг воқеотлари ва умматларининг ҳодисалари баён бўлгандур. Инчунин Зулқарнайн, Луқмон, Фиръавндек махсус кишиларни ва ёинки асҳоби қаҳф ва қавми тааббуъ ва бошқалардан, фирқа ва ё қабилаларнинг ахволи Қуръони каримда батафсил ва ёинки ижмолан баён бўлгандур. Тангри табораку таолло ҳазратлари тарафидан бўлган бу қиссалар илми тарихни асл ва асосини ташкил берадур ва биз, мусулмонларни, ўтган тарих ва қиссаларни ўқуб ибратланмоғимизга буюрадур. Шоир деюр:

Ояти Қуръон ки хубу дилкашаст,
Шаш ҳазору шашсаду шасту шаш аст.
Як ҳазораш ваъдаву дигар ваъид,
Як ҳазор аз амру як наҳйи шадид.
Як ҳазор аз вай мисолу эътибор.
Як ҳазоре қиссаҳои бешумор.
Понсад аз баҳси ҳалол асту харом,
Сад аз он тасбеҳу вирди субҳу шом.
Шасту шаш з'он гашт мансух аз-Китоб
Хатм шуд Валлоҳу аълам биссаваб.

(Мазмуни:

Қуръон оятлари яхши ва кўнгул истагучи бўлиб, олти минг олти юз олтмиш олти оятдур. Шул оятлардан бир минги ваъда, бир минги ваъид, бир минги амр ва фармоиш, бир минги наҳий ва сахланмоқ. Бир минги мисол ва ибрат ва зарбулмасал, бир минги ҳадсиз қиссаларни баён этар. Беш юзи харом ва ҳалолни баён этар. Бир юзи

вирду зикрга тааллуклидур. Олтмиш олтиси китоб ва динларни мансух этувчи оятлардан иборатдур). Ўтган уламолар раҳматуллоҳ муфассир, муҳаддис, мужтахид ва мусанниф бўлатурган кишига бир неча шартлар қўюбдурларки оларнинг бири илми тарихни билмоқдур. Асбоби нузули Куръон ваҳий ва садури суннатни билмоқ, тарих билмоқга мавқуфдур. Ўтган уламо (салафи солиҳин)имизни асарларига қаралса, илми тарих ўқумокни лозим ва фарзлиги билинур. Илми тарихни баён этувчи бир муаррих деюрки Куръони каримнинг қарийб тўртдан бири тарих ва ахборни махтайдур. Ва дунёга ишонмоқ учун ва роятлик бўлмоқ учун, комил ва одил бўлмоқ учун тарих ўқумок ва билмоқ керак. Подшоҳ, вазир, ҳукумат одамлари ва сиёсий кишилар учун тарих ўқумок керак. Дини исломнинг асли ҳазрат пайғамбар ва саҳобаларнинг исломият ва уммат учун чеккан жафо ва меҳнатларини билмоқ учун тарих ўқумок керак. Паст қолган ва ё тараккий қилган халқларни, жаҳонгир бўлган давлат ва ё нопадид бўлган ҳукуматларни билмоқ учун тарих ўқумок керак. Ўтган пайғамбарлар, дин ва умматларнинг ахволидан, мансух ва мунқариз бўлганининг сабабидан боҳабар бўлмоқ учун тарих ўқумок керак. Мусулмонлик қандай қўпайди ва тараккий этди ва альён на учун мусулмонлар таназзул этдилар? Ва иложи худдорий ва тараккий надур? Шунинг билмоқ, тарих ўқумок керак. Хулоса, дину дунёдан боҳабар бўлмоқни хоҳлайдурган ҳар ким учун тарих ўқумок керак, чунки ҳар нимаса ва ишнинг асли ва насли тарихдан билинур.

Катта киши бўлмоқ учун тарих билмоқ лозимдур. Усули жаҳид исмли мактабларда «Тарихи ислом», «Тарихи анбиё» исминда рисолалар таълим берилур ки болаларни дини мубини Ислом ва анбиёи аъзамнинг яхши билишларига боис бўлур. Аммо маъ-ал-таассуф баъзи ўйламай сўйлагувчилар тарих ва жуғрофия ўқумокни бидъат ва гуноҳ деб бечора авомни оздурадурлар. Бизни Туркистонда баъзи энг муҳтарам муборак кишилар тарихдан билл-кулл беҳабардурлар. Хатто беҳабарликларидан хабарсиздурлар ки бу беҳабарликларидан баъзан уятга қолиб хатто иш шармандачиликка етар. Хануз ёдимдадур. Ахли мажлис ва

сўрагувчи мухтарам киши ҳаётдур. Олти-етти сана муқаддам Самарқандда бир хатми Қуръон мажлисинда эдик, энг машҳур ва олим бир эшоннинг муридларидан ва ўз фикрича (олим?) бир киши 200 хоналик катта бир маҳалланинг имоми мажлисда роқими ҳуруфдан кўрунгиз на сўрайдур! Эшон... тафсирилар замони пайғамбарда бор эдими? - Ушбу савол катта бир имом ва ҳам ўз даъвосинча бир «мулло»дан ва катта бир муршиддан руҳсат олган бир орифдан содир бўлгани учун ул жанобни бу қадар беҳабарлиги мени асабларимга таъсир этиб эди. Ва онинг бу қадар бесамарлиги ҳайратларга қолдирурган эди. Мана бул тарих ўқумасликни гуноҳидур. «Тафсирилар замони Ҳазрати пайғамбардан бир неча юз сана сўнгра ёзилди. Қуръони қарим аввалдан бор эди. Ва бу қунда ҳам Қуръони қаримни тафсир қилатурганлар бордур. Ва янги тафсириларда чиқиб турубдур. Тафсирилар замонча тафсир топилур. Аммо Қуръони қарим ҳеч тафсир ва табдил тополмас...» дейилиб эди.

Боқияси бор.

Махмудхўжа

//«Ойна», 27-сон, 26 апрель, 1914 йил.//

Аввалги мақолада тарих ўқумоқ лузумидан баён қилиниб эди. Энди жуғрофия илми, яъни Осмон ва Ер юзиндаги ва ичиндаги илмлардан ўқумоқ кераклигини қисқалик ила баён этармиз. Албатта, мухтарам «Ойна» хонандалари дерлар ки ер юзи ва ё ичинда магар илм бордур? Дермизки, Осмон, Ер ва аларни ичи илм ва ҳикмат ила тўладур ва ҳам ондаги илм ва ҳикматларни ўқумоқ, ўйламоқ ва билмоқ керак. Лекин Қуръони қарим ила собитдур. Уламо дерларки «Аввалам танзуру фи малакутис-самавати ва-л-арзи ва ламясиру фил-арзи. Ва мин оёту халқис-самавати ва-л-арзи ва ихтилафил лайли ваннаҳари инна залика ла-оётул оламин» оятлари ва бошқа кўп оятлардан билинур, ки Ер ва Осмонда кўп илм ва ҳикматлар бордур ки Оллоҳ Таоло аввал илм ва ҳикматларни

билмоқга бизни буюрадур. Ва ҳам аввал илму хикматларни олимлар билур дер ва билиб ибрат олингиз ва фойдаланингиз дер. Яна илми ашёни билмоқга Куръони карим бизни ташвиқ қиладур. Чунончи «Аввалан янзуруна илал - ибили кайфа хулиқат ва илас-самаъи кайфа руфиат ва илал жибали кайфа нусибат ва илал арзи кайфа сутихат ва анзалнаҳадид фи хи баъсун шадидун ва манафеъулинноси хулиқалакум мафил арзи жамиъа» оятлари мунинг далилидур. Миср ал-Қохира уламо баноминдан Шайх Тунтавий ал-Жавҳарий жаноблари «Ат тадж ал-марсаъ ба жавахир ал-Қуръон» китобинда дер ки: Куръони каримда ҳар навъ илмларни шарҳ ва анга тарғиб этиб кизиқландургучи оятлар 764 қадар бўлиб, ибодатга буюратурган оятлардан йигирма тўрт дафъа зиёдадур. Хазрати пайғамбаримиз ҳам буюрганлар ки «хикмат мусулмон кишини йўқолган молидур ки қўрган ериндан олур». Албатта илми жуғрофия ва илми хайъат илми хикматдандур.

Илми хикмат ўқумокни жадидчилар чиқаргани йўқ. Балки минг саналардан бери олами исломнинг мадрасаларинда ўқилмоқда ва илми хикмат аталатурган куллийайи улумга дохил илмларга мусулмон уламолари кўп китоблар тасниф этгандурлар. Чунончи букунги мадрасаларда «Хикматул-айн» китоби ўқилур. Ва ул китоб 675 санасинда вафот топган Нажмиддин Қазвиний жаноблари тарафидан ёзилиб Шамсиддин бин Муборакшо Бухорий ва Масъуд Шерозий ва алломаи Саид-Шариф Мирзожон деган уламолар тарафидан шарҳва хошиялар боғлангандур. Ондан бери 670 сана қадар бир муддат ўтиб илми хикмат тараққий топди. Ҳозир эски ила янги хикмат орасинда еру осмонча фарқ бордур. Чунки беш-олти аср ўтди. Мазкур эски «Хикматул-айн» китобиини иккинчи жилдинда мана шул илмлардан баён бўлгандур. Жисмларни ҳукми ва шакли, макон, жихат, ҳаракат ҳақинда, замон, майл, фалаки маҳдуд, осмондаги нимасалар ва аларни ҳаракат қилдиргувчи катта Осмон ва бошқа осмонлар, хандасий хатлар, Офтоб ва Ой осмони, Ой ва Кун тутулиши, аларни катта ва кичик қўруниши, юлдузларни осмони, осмондаги нимасаларни тартиби, ерни юмалоклиги ва туруши ва

жойи, аносир, яъни хаво, сув, ўт ва бошқалари, еру осмондаги асарлар, ёрук ва шўъалар, иссик, совук, тоғ ва маъданлар, хар навъ ўт ва ҳайвонлар ва бошқалар...

Мана юқоридан бери ёзиллиб келган далиллардан маълум бўлур ки жуғрофия, яъни еру кўкка етишли илмларни ўқумок шаръан лозим экан ва илгари замондаги мусулмонлар бу илмларга китоблар ёзиб эканларки букунгача мадрасаларда бу илмларни бошлаб ўқитар эканлар. Аммо илм ва асбобни йўқлигидан илми хикматни таълим берилмай илғур-айрим қилиб бошлаб қўядурган даражада келибдур. Мадрасаларда ўқилмасида назарий, яъни устидангина асбоб ва тажрибасини ўқилар ки аввал ўқишни нафъи йўқдир.

Дарвоқеъ, тажриба ва асбобсиз илми хикмат ўқумок, ўт ва қазонсиз палав пишираман деган кабидур.

Энди мухтарам хонандаларимиз илми хикмат ўқумокни бидъат ва ғуноҳ эмаслигини, албатта, балки билгандурлар ва ҳам билсунлар ки илми тарих ва жуғрофия, илми иншоъ, илми хайъат, хулоса ақлли илмларни ўқумок дуруст йўқ делурганлар албатта нотўғри эътадурлар. Чунки бу илмларни кераклиги юқорига ёзилган оят ва ҳадис ва воқеий далиллар ила оғтобдек зоҳирдур. Ақлли илмларни ўқилмоғи дуруст йўқ деганларни сўзи Оғтоб йўқ деган сўздек хикматсиздур. Жуғрофия, таърифи арз, ерни билдиргучи илм демақдир.

Жуғрофия илми бир неча навъга бўлиниб риёзий, табиъий, маъланий, наботий, тарихий, сиёсий, умроний, табақотул-арз ва ал-охира қисмларга бўлинур. Илми хайъат ҳам жуғрофия ила биргедур. Аносир, хаво-сув ажзои асирия, кимиё ва аълонми жўйиани билмоқ учун жуғрофия билишга эҳтиёждур. Тарихни яхши билмоқ учун яна жуғрофия керақдур. Тарих бир воқеани баён этар, жуғрофия бўлса ўшал воқеанинг бўлган ерини ва бўлганидан вужудга келган таъсирини баён этар. Яъни тарих ила жуғрофия зарф ила мазруф кабидур.

Юқорида оти ёд қилинган илмларнинг барчаси «Илми хикматга» дохилдур. Хикмат шундай шариф бир нима-садур ки мавжуд илмларнинг ҳаммасини муштамил бўлиб

хайру шарафлик бир илмдур.

«Ва мин йўта ал-хикмата фақад ўтийа хайран касиран»
бунинг далилидур.

Биз энди келар вақтда «Ойна» хонандаларига юқори-
даги илмлардан оз-оз баён қилмоқни ходимона ва ожизона
ваъда қиламиз.

Махмудхўжа
// «Ойна», 28-сон, 3 май, 1914 йил//.

Изоҳли луғат

Ажз	- нотавонлик, ожизлик
ажзон асирия	- эфир қатламлари
альон	- ҳозир, ҳозирги даврда
амсолий	- ўхшаш, мисол сифатида келтирилган
анбиёи аъзам	- буюк пайғамбарлар
аносир	- унсурлар
арз	- ер, тупрок, замин
асар	- нишона, аломат
асарлар	- турли таъсирлар, ходисалар
асбоби нузул	- Оллоҳ оятларининг ваҳий бўлиш ҳолати ва сабаблари
асбоби суннат	- Расулulloҳ ҳадисларининг содир бўлиш ҳолати ва сабаблари
асир	- эфир
асҳоби қаҳф	- ғор соҳиблари - Дакиюнус даврида бир неча ўсмир ўз динини сақлаш учун қочиб ғорга яширинишган, уларга эргашган бир ит ҳам бўлган. Оллоҳнинг қудрати билан улар бир неча аср уйқуга чўмиб, кейинги даврларда уйғонишган. Қуръон ва бошқа диний китобларда бу ходисанинг тафсилоти бор
аҳволи тарихия	- тарихий ходиса ва воқеалар
аълойими жўййа	- оқар сувлар белгилари
батафсил	- муфассал, ҳар бир қисм ва ҳар бир фаслни баён этиш
бесамар	- илмдан бебаҳра
билл-кулл	- мутлақо
биссавоб	- худо ҳаққи
бонийлар	- бинокорлар, меъморлар
ваъи хирож	- ҳолат; андози замин ва маҳсули замин
валлоҳу аълам	- худо билади
ваъдаву-ваъид	- Қуръон оятлари орқали охиратда ҳар бир кишининг қилган савобу гуноҳларига яраша жаннат роҳатидан ёки дўзах азобидан хабар берилиши

ваъид	- жазо ваъдаси
вахий	- худо юборган паём, илҳом
вирд	- бирор дуони қайта-қайта такрорлаш
дини мубин	- ҳақиқий дин
дор ул-қазо	- қозихона
жисмларни ҳукми	- алоҳида ҳар бир нарсанинг моҳияти, таърифи
жихат	- сабаб, мақсад
зарбулмасал	- ибратли хикматли сўзлар, хикоятлар
зарф	- идиш
зарф ила мазруф	- идиш ва унинг ичидаги, (масалан кўза ва май) ходиса ва унинг маъноси
зикр	- эсламок; вирд
зохир	- очик-ошкор, кўриниб турган нарса
ижмолан	- қисқача, мухтасар баён этиш
илми ҳайъат	- осмоншунослик, юлдузшунослик, астрономия, космография
илми хикмат	- фалсафа (кенг маънода)
илми ашё	- нарсалар ҳақидаги илм
ихтилоф	- фаркли, ҳар хил; борди-келди
қуллиайи улум	- ҳамма илмлар
лохутий	- илохий
ма-ал-таассуф	- афсуслар бўлсинким
мавкуф	- алоқадор
мажхул	- номаълум
майл	- моиллик
макон	- ўрин, жой
мансух	- бекор қилинган, истеъмолдан қолдирилган, рад этилган
мансух аз китоб	- ёзувлардан бекор этилган, эътибордан четда қолган
машруб	- сув, шароб, ичимлик
маъдан	- қон, ер ичидаги қимматбаҳо тошлар, жавохирлар ва бошқа бойликлар
маъданий	- минералларга оид
маҳдуд	- ҳудуди муайян, чекланган
мисолу эътибор	- ибратли ва ишонарли маълумотлар
мозий	- ўтган, олдинги, ўтмиш

	кашф этиш қудратига эга аллома
мунқариз	- инкирозга учраган
мунқариз бўлган	- йўқ бўлиб кетган
мурид	- шогирд
муришд	- пир, шайх, маънавий устоз
мусанниф	- китоб тузувчи, китобга тартиб берувчи;
муфассир	- Қуръонни тафсир этувчи, оят ва хадисларни тушунтириб шарҳ этувчи мутахассис
муҳаддис	- хадисшунос, илми хадис билимдони
муштамил	- ўз ичига қамраб олувчи
наботий	- ботаника; ўсимликларга оид
наҳий шадид	- қатъий манъ этиш, жиддий тақиқлаш
нопадид	- кўринмайдиган, кўринмас, махфий; гоиб бўлган
носих ва мансух	- бекор қилувчи ва бекор қилинган нарса
ориф	- огоҳ, доно, воқиф; сўфий
риёзий	- математикага оид
роя	- хохиш, истак
роятлик бўлмоқ	- мустақил фикрга эга бўлмоқ
роқими хуруф	- ушбу сўзларни ёзувчи
садури суннат	- расму қоида, урфу одатларнинг содир бўлгани, бошланиши
сафил	- паст
сирф	- холис, соф; тамом
табакотул арз	- замин қатламлари
табдил	- ўзгартириш, алмаштириш
табиий	- табиатга оид
табъ	- табиат, истеъдод; 4 унсурдан бири: олов, ҳаво, тупрок, сув; 4 тиббий унсур
тааббуъ	- ибодат
тадрис	- таълим, дарс бериш
таназул	- тубанлашиш
тасбех	- худони зикр этиш, «субҳоналло-субҳоналло» дейиш
тафсир	- Қуръони карим оятларига ёзилган шарҳ ва талқинлар
таърифи арз	- ер ҳақида билим берувчи фан

умроний	- ободонлик, тамаддунга, маданиятга оид
фирка	- гурух
фотихлар	- ғолиблар
худдорий	- ўз-ўзини тўғри идора этмок, нотўғри қадамлардан сақланмок
хандасий хатлар	- геометрик чизиклар
хошия	- китоб саҳифаларининг хошиясига ёзилган мулоҳазалар, изохлар, ва шарҳлар
қавм	- бир мачитда бир имом билан намоз ўқийдиган маҳалла ё қишлоқ аҳолиси; тоифа, қабила, халқ
қавми тааббуъ	- ибодат қилувчи тоифа.

Мундарижа

Маҳмудхўжа Бехбудий	3
Маҳмудхўжа Бехбудий. Тарих ва жуғрофия	43
Изоҳли луғат	49

Дилором Алимова, Дилбар Рашидова

Маҳмудхўжа Бехбудий ва унинг тарихий тафаккури

Тошкент- 1999 йил

Мухаррир	Т. Соатова
Безакловчи рассом	Р. Султонов
Техник муҳаррир	И. Розикова
Мусаххих	Т. Соатова
Компьютерчи	Г. Абдуллаева, Д. Файзуллаева

Теришга берилди 5.07.99 йил. Босишга рухсат этилди 2.08.99 йил. Бичими 84/108 1/32. Офсет босма. Шартли босма табоги 3. Нашриёт ҳисоб табоги 3. Адади 1000. Буюртма №4 . Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг босмаҳонаси, 700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 45-уй.

